2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 94 (883), 2023 йил 16 май, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ДАСТУР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май куни камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Давлатимиз сиёсатида инсон манфаатлари, ижтимоий адолат тамойиллари устувор. Шу боисдан ҳам аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик борлиги тан олиниб, уни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилинди. Бунга қўшимча, жорий йил бошида барча туманлар шароитига кўра 5 та тоифага ажратилиб, табақалашган енгилликлар берилди. Буларнинг натижасида ўтган йили 1 миллион нафар, бу йил биринчи чоракда 210 минг аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Ҳар йили оилавий тадбиркорликка 13 триллион сўм кредит ва 1 триллион 500 миллиард сўм субсидиялар ажратиляпти. “Ижтимоий ҳимоя реестри” орқали 2 миллион 300 минг муҳтож оила, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган ватандошларимиз моддий ёрдам билан қамраб олинди.

Лекин бу натижалар ҳали етарли эмас. Камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, касбга тайёрлаш ва иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган комплекс вазифадир.

Шу боис, йиғилишда бу борада янги босқичга ўтиш, рағбат чораларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Охирги беш йилда юртимизда тадбиркорлар сони 285 мингдан 590 мингтага кўпайди. Бу — битта туманда 2,5 мингдан ортиқ ёки бир маҳаллада 50 нафардан тадбиркорлар синфи шаклланди, дегани. Агар давлат бу тадбиркорлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиб, уларни қўллаб-қувватласа, жойларда бандликни ҳал қилиш имконияти ортади.

Масалан, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш учун ҳар йили давлат томонидан 200 миллиард сўм ажратиляпти. Лекин бу маблағлар тадбиркор билан боғланмаган. Худди шундай, тадбиркор ҳам йилига катта харажат қилиб, ўзи учун минглаб мутахассис тайёрлашга мажбур. Лекин бунда давлат қўллаб-қувватлови йўқ.

— Бунинг бирдан-бир тўғри ечими — тадбиркорга шароит яратиб, улар билан манфаатли ҳамкорлик қилиш. Бу орқали ҳам бандликни таъминлаймиз, ҳам малакали мутахассис тайёрлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда 1 июндан бошлаб “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури амалга оширилиши маълум қилинди. Унда иштирок этиш ихтиёрий бўлади. Дастурга 2023-2024 йилда жами 1 миллиард доллар ажратилади. Бу маблағлар ҳисобидан тадбиркорга камбағал оилалар аъзосини касбга ўқитиб, ишли қилишига қараб, амалдагидан паст фоизларда ва узоқроқ муддатга кредит берилади. Тадбиркорнинг “амалий мономарказ” ташкил қилиш ва жиҳозлаш ҳамда касбга ўқитиш харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Дастурда иштирок этадиган тадбиркорларга солиқлардан алоҳида имтиёзлар берилади. Жумладан, камида 20 фоиз камбағал оила аъзосини бир йил давомида иш билан таъминласа, мол-мулк ва ер солиқларидан озод қилинади. 5 миллион сўмгача иш ҳақи тўлаётган тадбиркорларга ижтимоий солиқ ставкаси 2 баравар камайтирилади. Камбағал оила аъзоси ҳам даромад солиғидан озод қилинади.

Шунингдек, солиқ ва божхона маъмурчилигида ҳам енгилликлар назарда тутилмоқда. Хусусан, бундай тадбиркорлар фаолиятида солиқ текширувлари ўтказилмайди. Уларга қўшилган қиймат солиғи ҳамда ортиқча тўланган солиқлар текширувсиз қайтариб берилади. Барча солиқлардан қарздорликни бир йилгача кечиктириб тўлаш имкони яратилади. Божхона расмийлаштирувида “яшил йўлак” тартиби қўлланади.

Дастурга кирган тадбиркорларга инфратузилма, ер ва бино-иншоотлар билан таъминлашда қўшимча енгилликлар берилади. Масалан, ер ва бино-иншоотларни хусусийлаштиришда бўлиб тўлаш имконияти яратилади. Қиймати 50 миллиард сўмдан юқори лойиҳалар бўйича инфратузилма харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Йиғилишда ушбу янги тизим асосида жорий йилда 550 минг аҳолини ўқитиб, камбағалликдан чиқариш мумкинлиги айтилди.

Маълумки, камбағалликни қисқартириш бўйича Хитойда тажриба катта. Ушбу тажриба асосида ҳар бир вилоятда камбағалликдан чиқариш бўйича алоҳида дастур амалга оширилиши белгиланди. Бунда камбағаллик юқори бўлган туманларда йўл-транспорт, энергетика, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш, кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни саноатлаштиришга эътибор қаратилади. Энди ҳар йили тасдиқланадиган давлат инвестиция дастурлари ҳам шу асосда шакллантирилади.

Мутасаддиларга танлаб олинган 14 та туманни камбағалликдан чиқариш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимлари янги тизим асосидаги ишларни ташкил этиш режалари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИ УМУМХАЛҚ САЙЛОВЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛГАНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлатимиз раҳбари Туркия етакчисини мамлакатда президентлик ва парламент сайловлари муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлади. Уларнинг якунларига кўра, сайловчиларнинг кўпчилиги амалдаги Президент ва Республика иттифоқига овоз берган.

Овоз бериш натижалари қардош Туркия халқи Президент Режеп Таййип Эрдоған раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсий янгиланишлар ва иқтисодий ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаётганидан далолат экани алоҳида таъкидланди.

Суҳбатда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартибини тайёрлаш бўйича фаол ишларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

**ЎзА**

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РЎЙХАТИ

**Марказий сайлов комиссияси томонидан 2023 йил 15 май куни аризаларнинг Марказий сайлов комиссиясига келиб тушиши навбатини инобатга олган ҳолда қуйидаги сиёсий партияларга жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун ижозат берилди:**

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Марказий сайлов комиссиясининг 1255-сон қарори);
2. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (Марказий сайлов комиссиясининг 1256-сон қарори).
3. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси (Марказий сайлов комиссиясининг 1257-сон қарори).
4. Ўзбекистон Экологик партияси (Марказий сайлов комиссиясининг 1258-сон қарори).
5. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси (Марказий сайлов комиссиясининг 1259-сон қарори).

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун ижозат бериш тўғрисидаги қарорлар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

**Марказий сайлов комиссияси**
**Матбуот хизмати**

### БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

## ТАРБИЯ — ОДДИЙЛИК ВА САМИМИЙЛИКДА

### дунёни англаш — глобал тафаккурда



**Кўҳна тарих дунё сиёсий-мафкуравий, маънавий-маърифий манзараси бугунгидек тез ва шиддатли равишда ўзгариб бораётганига камдан-кам гувоҳ бўлган бўлса керак. Куни кеча жаҳоний глобал муаммоларни, башарият олдида турган турфа зиддиятларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик қилишга бел боғлаган давлатлар бугун ўз миллий манфаатлари доирасида ўралашиб қолмоқда. Улар баррикадаларнинг бир-бирига зид томонига ўтиб олиб, душманлигини яширишдан ҳам тоймаяпти.**

Давоми 3-бетда

### ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

## Миллий молия бозори

### Иқтисодий тебранишлар фонидаги ривожланиш

**Ҳаётий бир ҳақиқат бор: инсоннинг яшашидан тортиб, фаровон ҳаёт кечиришигача бўлган барча жабҳалар бевосита моддиятга бориб тақалади. Меҳнат қилиш, касб эгаллаш, ўқиб-ўрганиш мақсадлари ҳам янада яхшироқ яшаш истаги билан уйғун. Бу азалий ҳақиқат худди ўтмишдаги сингари бугун ҳам ўзгармаган. Шу боис, мамлакатимизда миллий иқтисодиётни ривожлантириш ортида, аввало, ҳар бир фуқаро, қолаверса, жамият ва оилалар фаровонлигини таъминлашдек катта вазифалар тургани табиий кўринади.**

Давоми 4-бетда

### ТАРАДДУД

## НАФОСАТ ВА САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ




5-бетга қаранг.

### ТАНЛОВ



## “Олтин қалам” ШУКУҲИ

### Янги Ўзбекистон руҳи, очиқлик, шаффофлик ва адолат тантанаси

**“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” XVII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Давоми 2-бетда



ТАНЛОВ

# “Олтин қалам” шукуҳи

## Янги Ўзбекистон руҳи, очиқлик, шаффофлик ва адолат тантанаси

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давом эттирилиб, журналистларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Мен, ҳақиқат ва адолатни ўз эътиқоди деб биладиган барча журналистларни — ислоҳотларнинг фаол иштирокчилари, ўзимнинг энг яқин дўстларим деб биламан”, деган сўзлари журналистларни ҳамиша сидқидилдан меҳнат қилишга, ўз вазифамизга масъулият билан ёндашишга ундаб келади.

Чиндан ҳам Ўзбекистон етакчиси ўз нутқларида журналистлар ҳақида жуда кўп тўхталади. Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифлари чоғида ҳам соҳа ходимлари билан тез-тез мулоқот қилади.

— Оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби янги модда ва нормалар мустаҳкамланган янги таҳрирдаги Конституциямиз жорий йил 1 майдан кучга кирди, — деди маросим очилишида Ўзбекистон журналистлар уюшмаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Холмурод Салимов. — Бош қонунимиз билан боғлиқ бу ислоҳотлар юртимизнинг ҳар жиҳатдан тараққий этишига, жумладан, журналистикамиз, миллий медиа соҳаси ривожланишига ҳам ҳуқуқий асос яратади.

Мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Журналистларда ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган танловлар кўп. “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танлов улар орасида энг нуфузлиси, десак янглишмаймиз.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, уларда фаолият олиб бораётган журналистлар учун янада кенг имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 2023 йилдан бошлаб “Олтин қалам” танлови рағбатлантирувчи номинациялари кўпайтирилди. Бош миллий мукофот соҳибига енгил автомобиль берилиши белгиланди.

Ўтган йили 1-ўрин соҳибларига Ўзбекистонда белгиланган базавий ҳисоблашнинг 160, 2-ўринга 140, 3-ўринга 120 баробари миқдорида пул мукофоти берилган бўлса, жорий йилдан 1-ўринга 200, 2-ўринга 175 ва 3-ўринга 150 баробари миқдорида пул мукофоти ажратилди. Шунингдек, рағбатлантирувчи номинация ғолибларига бериладиган пул миқдори базавий ҳисоблашнинг 50 баробаридан 100 баробарига оширилди.



Бу йил “Олтин қалам” XVII Миллий мукофоти учун халқаро танловда ҳар йилгидан кўп — 500 дан зиёд ОАВ вакиллари 4 мингга яқин ижодий ишлари билан иштирок этди. Жумладан, телевидение йўналиши бўйича мамлакатимиз давлат ва нодавлат телеканалларида фаолият олиб бораётган 125 журналист қатнашди. Уларнинг 900 га яқин ижодий иши танловнинг ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди. Мазкур йўналиш бўйича материаллар тақдим этилган ижодкорлар орасида халқимиз меҳрини қозонган, кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган, шунингдек, турли танловларда ғолиб бўлган журналистлар бор.

Радио йўналиши бўйича ҳакамлар ҳайъати томонидан 43 нафар журналистнинг 300 дан зиёд ижодий ишлари таҳлил этилди. Ушбу йўналиш бўйича танловда иштирок этганларнинг кўпчилиги аёл журналистлардир. Уларнинг ижодий ишларида информацион-таҳлилий материаллар, янги Ўзбекистон руҳи, Конституциявий ислоҳотлар мазмун-моҳияти, замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти, маданият ва санъат намояндалари билан суҳбатлар асосий ўрин эгаллайди.

Жорий йилда ҳам “Олтин қалам” танловида босма оммавий ахборот воситалари йўналиши бўйича 173 нафар журналист иштирок этди. Ҳакамлар томонидан кўриб чиқилган 1 минг 200 дан ортиқ ижодий ишларда долзарб мавзулар очиб берилган. Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларни рози қилиш мақсадида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аниқ мисоллар асосида ёритилган.

2022 йилги “Олтин қалам” танловида интернет-журналистика йўналиши бўйича 45 нафар журналист қатнашган. Бу йил эса улар сони 76 нафарга етди. Ушбу йўналишда нодавлат интернет нашрлари фаол иштирок этди. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда ёш журналистлар турли соҳаларга доир кўплаб муаммоларни дадил кўтариб чиққани, журналистик суриштирувлар кўпайгани акс этган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, маданият, туризм ва бошқа соҳаларни ёритишга хорижий журналистларда ҳам қизиқиш кучли бўлгани учун уларнинг мамлакатимиз ҳақидаги ижодий ишлари сони йил сайин кўпаймоқда. Бу йилги халқаро танловда 25 давлатдан 50 дан зиёд журналист қатнашди. Улар орасида Европа ва Осиё қитъасидан ҳам шу соҳа вакиллари борлиги янада қувонарли.

“Энг яхши фоторепортаж учун” номинацияси ғолиби фотожурналистларнинг 150 га яқин ижодий ишлари асосида баҳоланди. 10 номинация ғолиблари танловнинг телевидение, радио, босма ОАВ, интернет-журналистика йўналишлари бўйича турли ОАВ вакиллари орасидан мукофотга муносиб деб топилди.

Танловга мамлакатимизда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар, қатор хорижий мамлакатлар элчихоналари ҳам катта қизиқиш билан қараётир. Жумладан, танловда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европа Иттифоқи ва Бельгиянинг GOPA Com., S.A.DNA компанияси ҳамда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ўз номинациялари билан иштирок этди.

“Олтин қалам” ижод аҳлига муносиб рағбат, журналистикага юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин тимсоли, десак адашмаган бўламиз. Шу маънода, барча саъй-ҳаракатлар мазкур танловнинг холис, шаффоф ва ҳаққоний ўтишини таъминлади.

Тантанали тадбирда телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлар йўналиши, барча номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга махсус статуэтка, пул мукофоти, дипломлар тантанали топширилди.

Ва ниҳоят, Бош миллий мукофотни тақдим этиш онлари яқинлашди. Ушбу мукофот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига насиб этгани ҳақидаги хабар маросим иштирокчилари томонидан катта ҳаяжон, давомли олқишлар билан кутиб олинди. Ғолиб жамоага енгил автомобиль, махсус статуэтка ва диплом тантанали равишда топширилди.

— Бу мукофот нафақат бизнинг жамоамизга, балки Ўзбекистоннинг етук журналистларини камолга етказган отахон ва табаррук даргоҳга бўлган эҳтиром ва эътироф ифодаси бўлди, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети декани Маҳлиё Мирсоатова. — Ахир янги Ўзбекистон журналистикасининг айни пайтдаги дадил қадамлари ҳам ушбу даргоҳда сабоқ олган ижодкорларнинг ютуқлари билан баҳоланмоқда. Бу рағбат бизга жуда катта шижоат бағишлайди. Келгусида юртимиздаги ислоҳотларни теран англаб етган ҳолда талабаларни бугунги журналистиканинг замонавий услуб ва янгиликларидан баҳраманд этишга ҳаракат қиламиз.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари К.Алламжонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Ш.Асадов иштирок этди.

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**






БИЗ ВА ДУНЁ

# ЎЗБЕКИСТОН ГАНЖИНАСИ ГЕРМАНИЯ ГАЛЕРЕЯЛАРИДА

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал президенти Франк-Вальтер Штайнмайер томонидан 3 май куни Берлинда очилган “Ўзбекистоннинг археологик дурдоналари. Александр Македонскийдан Кушон империясига қадар” кўргазмаси ташриф буюрувчилар ва немис оммавий ахборот воситаларининг эътиборини ўзига тортмоқда.**

Schätze aus Usbekistan in der James-Simon-Galerie



1,5 миллионлик аудиторияга эга “RBB-Fernsehen” телеканали (Берлин-Бранденбург телерадио корпорацияси) ушбу маданий воқеага бағишланган репортажни немис жамоатчилигининг эътиборига ҳавола қилди. “Тошкент. Самарқанд. Бухоро. Ўзбекистондаги бу шаҳарлар номини эшитган кишининг қулоғи остида гўё афсона ва саргузаштлар жаранглайди. Жеймс Симон галереяси ва Янги музейдаги кўргазма кишини узоқ ўтмишга етаклайди. “Ўзбекистоннинг археологик дурдоналари” кўргазмаси милоддан аввалги IV ва милодий IV асрларга оид осори атиқаларни намойиш қилмоқда. Юзлаб ноёб экспонатлар Германияда илк маротаба тақдим этилмоқда. Нодир заргарлик буюмлари, нафис ҳайкалчалар — уларнинг барчаси бир пайтлар Ўзбекистонда гуллаб-яшнаган дунёдан дарак беради. Қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни боғлаган маданият”, дея таъкидлайди немис оммавий ахборот воситаси.

100 минг ададга ва онлайн версияси билан 500 мингга яқин ўқувчига эга “Berliner Morgenpost” кундалик газетасида “Кўргазмада Ўзбекистондан топилган ажойиб топилмалар намойиш этилмоқда” сарлавҳали мақола чоп этилди.

Унда таъкидланишича, Жеймс Симон галереяси ва Янги музейдаги кўргазма Марказий Осиё мамлакатини жаҳон маданияти чорраҳаси сифатида намойиш этади. “Ўзбекистондан 280 га яқин осори атиқалар Берлинга олиб келинди, улар ҳозирги пайтда Берлин тўпламларида сақланаётган 70 га яқин экспонатлар билан бирга тарихий бойлик ва мисли кўрилмаган маданий хилма-хиллик ҳақида атрофлича тасаввур уйғотади”, деб ёзади нашр.

Тахминан 150 минг адад ва 900 минг аудиторияга эга яна бир немис газетаси “Berliner Zeitung”нинг ёзишича, “Берлин марказида жойлашган музейлар оролидаги мазкур кўргазма Европа ва Шарқ ҳамда Германия ва Ўзбекистон учрашадиган масканга айланди”.

Нашрнинг таъкидлашича, кўргазма кишини илгари номаълум бўлган Ўзбекистонга хаёлан олиб киради.

“Тақдим этилган экспонатлар санъат ихлосмандларини Александр Македонский ўз юришлари пайтида ўзи билан минтақага олиб келган юнон маданияти билан таништиришга ҳам эътибор қаратади. Бу Узоқ Шарқ, Европа ва Осиё учрашувининг самарасидир. Бундай тарихий уйғунликни Бmedian Будданинг ҳайкалчалари ҳам яққол тасдиқлайди”, деб ёзади “Berliner Zeitung”.

“B.Z./B.Z. am Sonntag” газетаси сайтида “Худди “Минг бир кеча”дагидек Ўзбекистон ганжинаси Жеймс Симон галереясида” сарлавҳали мақола эълон қилинди. “Самарқанд ва Тошкент каби шаҳарларни кўпчилик “Минг бир кеча” эртагидагидек тасаввур қилади. Александр Македонский Марко Поло ва Гёте сингари ушбу минтақани завқ-шавқ билан таърифлаган. Янги кўргазма унга ташриф буюрувчиларни Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи бўйлаб саёҳатга таклиф этади”, деб ёзади нашр.

Мақолада қайд этилишича, асрлар давомида Ипак йўли дунёдаги энг муҳим савдо йўли бўлиб келган ва Ўзбекистон унинг қоқ марказида жойлашган. Жеймс Симон галереяси ва Янги музейдаги “Ўзбекистон археологик дурдоналари” кўргазмаси мамлакат тарихининг нақадар кенг қамровли ва ранг-баранг эканини кўрсатади.

**“Дунё” АА**
*Франкфурт-Майн*

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

# МИНДОНОБОДДА ҲАМ 7 ВА 9 ҚАВАТЛИ УЙЛАР ҚУРИЛМОҚДА



**Фарғона туманининг “Бирдамлик“ маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Феруза Эргашева яккаёлғиз, “Аёллар дафтари”да туради. Йиллар давомида яқинлари бағридан қўним топган мушфиқ аёл уй-жойга муҳтож. У ҳам кўп қатори уй-жойли бўлиш, фарзандлари билан эмин-эркин яшашни орзу қилади. Тўқимачилик корхонасида ишлайди. Бироқ уй қуриш, сотиб олиш учун имконияти йўқ. Ишлаб топгани рўзғоридан ортмайди.**



*Шерзод Қорабоев олган суратлар.*

Бу йилги кўклам ёлғиз аёл ҳаётида қувончли воқеалар билан бошланди. Феруза тумандаги Миндонобод мавзесида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги замонавий кўп қаватли уйларнинг бирига кўчиб ўтди.

— Жонажон диёримизда инсон қадр-қиммати, шаъни ҳамма нарсадан устун эканини ўз ҳаётимда кўрдим. Имтиёзли тўлов асосида бир хонали уйга эга бўлдим, — дейди Феруза севинч кўз ёшларини артиб. — Бу кунларни орзу қилганман. Ҳамма шароитлар мужассам замонавий уйларда яшашнинг завқи бошқача бўларкан. Асло ёлғиз эмасман. Кўнгил сўраб, йўқлаб келувчи яқинларим, қўни-қўшни, саховатли кишилар меҳр-мурувватини ҳис қилиб яшаяпман.

Фарғона — Водил катта автомобиль йўли бўйлаб ястаниб ётган Миндонобод адирликлари асрлар давомида эътибордан четда қолган. Ер ўзлаштириш, сув, йўл, электр, табиий газ сингари инфратузилма тармоқлари тортиш каби ишларга хомхаёл сифатида қараб келинган.

Бугун бундай эскича қарашлар, ишончсизлик ўрнини яратувчанлик, бунёдкорлик, ижодкорлик эгаллади. Гиёҳ унмас дала-даштда қад кўтараётган замонавий уй-жойлар, мактаб, боғча, хизмат кўрсатиш масканлари қурилиши — ҳаётий ҳақиқатнинг амалий кўриниши.

Осмон қадар юксалиб бораётган “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши одамлар ҳаётида янги имкониятлар эшигини очди. Яхши умидлар, эзгу мақсад йўлида бу ерни Ватан тутган водилликлар дашт ерларни ўзлаштириб, обод масканга айлантиришда баракали меҳнат қилмоқда. Умумий майдони 20 гектардан ортиқ бўлган “Янги Ўзбекистон” массивида ишлар авжида. Бу ерда 990 ўринли битта мактаб, 240 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 1428 хонадонга эга 33 та кўп қаватли энергия тежамкор уй-жой, 50 қатновга эга оилавий поликлиника қурилмоқда.

— “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши учун айнан Миндонобод ҳудуди танлангани бежиз эмас, — дейди Фарғона тумани ҳокимлиги қурилиш бўлими бош мутахассиси Умиджон Абдуқодиров. — Денгиз сатҳидан 540 метр баландликда жойлашган ҳудуд мусаффо об-ҳавоси билан ажралиб туради. Ёз иссиғида ҳам майин шабада эпкинидан баҳра олиб, дилингиз яйрайди. Янги уйлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари энергия тежамкор бўлиб, барча иситиш ва ёритиш тизими қуёш панелларига асосланган. Ҳудудда 5, 7, 9 қаватли кўркам уй-жойлар қад ростлайди. Шу кунга қадар 5 та беш қаватли ва 1 та етти қаватли уй қуриб битказилди.

Дала-даштдан иборат кенг майдонда ишлаётган қурувчиларнинг шашти баланд. Ер қазиш ишларини бажараётган бульдозерлар, пойдевор тиклаётган, ғишт тераётган, ободончилик юмушлари билан машғул ишчи-хизматчилар бир дам бўлса-да, тўхтагани йўқ.

— Бу ерда 7 қаватли, икки подъездли, 56 хонадонли уй қурдик, — дейди “Фарғона Зулхумор омад” МЧЖ иш бошқарувчиси Алишер Турдиев. — Янги уйларни мустаҳкам, сифатли ва арзон қилиб қуришга эътибор қаратяпмиз. Корхонамизда ғишт ва бетон плиталари ишлаб чиқарилади. Бу уйларни янада арзон, сифатли ва тез қуриб битказиш имкониятини бермоқда.

Ўзига хос меъморий қиёфага эга шаҳар лойиҳаси дала-даштга улуғворлик олиб кирмоқда. Умумий майдони 4 гектар бўлган “Янги Ўзбекистон” боғига минг тупдан ортиқ турфа манзарали дарахт экилди. Боғ ҳудудида сайилгоҳ, дам олиш маскани, кўнгилочар ўйингоҳлар, умумий овқатланиш шохобчалари қурилади.

— Бу уй-жойларни кўриб, ғурурланиб кетаман, — дейди меҳнат фахрийси Солижон Ибрагимов. — Уй оламан деган ҳар бир оилага мақбул нархларда узоқ муддатли кредит асосида турар жой берилаётгани айни муддао. Бўларкан-ку! Узоқ йиллар халқ хўжалиги соҳасида ишлаб, нафақага чиқдим. Рўзғордан орттириб битта уй ололмаганман. Чунки туманимизда бундай катта қурилишлар бўлмаган. Маҳалламизга яқин ҳудудда қурилаётган янги масканга тез-тез келиб тураман. Асрлар давомида тош-шағалдан иборат, сувсизликдан қақраб ётган ер шу қадар обод бўлиб кетишига ишонмаганмиз. Қурувчилар, янги уй соҳиблари билан ҳамсуҳбат бўламан. Ҳамма қулайликлар мужассам, жуда кўркам ва чиройли. Бундан ташқари, кундалик ҳаёт учун муҳим бўлган мактаб, боғча, тиббий хизмат, савдо шохобчалари сингари инфратузилма яратилаётгани ҳам одамларни бу ерда яшашга чорламоқда.

Туман ҳокимлиги биносида ипотека маркази ташкил этилди. Бу ерда банк кредити, субсидия ажратиш, имтиёзлар билан боғлиқ ҳужжатлар расмийлаштирилади. Уй олувчида фуқаролик паспорти билан келиб, янги уй соҳиби бўлиб қайтиш имконияти бор.

— Кейинги беш йилда туманимизда 67 та кўп қаватли ва намунавий лойиҳадаги 230 та уй-жой қурилди, — дейди Фарғона тумани ҳокимлиги уй-жой бўлими бош мутахассиси Одилбек Нўмонжонов. — Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги имкониятлар кўламини янада кенгайтирди. Авваллари чекка ҳудудларда 5, 7, 9 қаватли замонавий уй-жой қуриш ушалмас орзу эди. Энди бундай осмонўпар уйлар қурилиши кундан-кун ривожланиб бораётгани нафақат ҳудуд, балки атрофдаги қишлоқлар, одамлар турмуш тарзига ўзига хос ўзгариш, фаровонлик олиб кираётир.

Бунёдкорлик, яратувчанлик халқимизга хос қадриятлардан. “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши эса ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тимсолини яратмоқда. Бири бирини такрорламаган, шарқона латофат ва нафислик, замонавий меъморлик анъаналари билан уйғун тарзда юксалиб бораётган янги мавзелар кўҳна масканларга улуғворлик бахш этмоқда. Кун сайин ўзгариб бораётган шаҳар ва қишлоқлар, қадди баланд иморатлар, обод ва озода кўчалар халқимиз бунёдкорлигининг ёрқин тимсоли сифатида кўнгилларга ғурур-ифтихор бағишламоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# ТАРБИЯ — ОДДИЙЛИК ВА САМИМИЙЛИКДА

## дунёни англаш — глобал тафаккурда



**Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор**

Бошланиши 1-бетда

Ҳозирги дунёнинг ғоявий-мафкуравий ҳолати анъанавий тарзда минг йиллар давомида шаклланган, ижтимоий тажрибадан ўтган, инсоният тараққиёти ва барқарорлигини таъминлаган тарбия тизимини ҳам остин-устин қилиб ташлади. Одамларни юксак инсонпарварлик, адолат, яхшилик, ахлоқ, ватанпарварлик каби эзгу фазилатлар сари йўналтирган миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимига дарз кетди.

Янги тарбия тизими, қадриятлар мажмуасини яратишни орзу қилган сиёсатдонлар шахс эркинлиги, демократия каби тушунчаларни ўзича талқин этиши оқибатида инсониятни "қоронғи кўча"га қамаб қўяётганини кимдир англамоқда, кимдир йўқ.

Шундай мураккаб геосиёсий, мафкуравий шароитда биз янги Ўзбекистонни барпо этишни мақсад қилиб қўйдик. Бугунги Ўзбекистон раҳбарияти ўз олдига қўйган мураккаб, аммо бажарилиши реал бўлган вазифаларни халққа очиқ-ойдин, баралла айтмоқда. Боз устига, умумхалқ референдуми орқали қабул қилган янги таҳрирдаги Конституциямизда яқин ва узоқ истиқболда амалга ошириладиган концептуал, стратегик мақсадларимиз ўз ифодасини топди.

Очиқ, чуқур ўйланган, прагматик ва аниқ ечимларга асосланган ички ҳамда ташқи сиёсати ҳаётийлиги, оддий одамларнинг туб эҳтиёжлари ва манфаатларига жавоб бериши билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлган Ўзбекистон олдида бугун мураккаб вазифалар турибди. Бироқ мамлакат раҳбарияти халқпарвар сиёсат юритиш орқали олдимизда турган барча ҳаётий муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул ва самарали йўлларини излаб топмоқда. Яъни юртимиздаги барча ислоҳотлардан кўзланган ягона мақсад **оддий одамларнинг оғирини енгил қилиш,** уларнинг моддий ва маънавий барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Оддий одамлар ҳақида бежиз ёзмаяпмиз. **Халқимиз азал-азалдан оддийликни ўзининг энг олий сифатларидан бири, юксак одамийлик ва ахлоқийликнинг кўриниши тарзида эътироф этиб келган.** Хўш, оддийлик ўзи нима? Нега биз оддий одамлар билан мулоқотга киришганимизда ўзимизни енгил сезамиз, у билан яқин муносабат ўрнатишга интиламиз?

Гап шундаки, **оддийлик инсонни безаб турадиган нафислик, унинг сифатларига мазмун қўшадиган, кишилар ўртасида самимий муносабатларни ўрнатишга пойдевор қўядиган ва халқимиз томонидан ҳар доим ҳам эъзозлаб келинган қадриятдир.** Оддийлик сўзи арабчада одатдагидек, одатга айланганлик, кундалик, меъёрийлик, соддалик деган маъноларни англатади. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ҳар куни рўй берадиган, ўрганиш бўлиб қолганлик, осонлик, унча мураккаб бўлмаганлик, жўнлик, бошқалардан ажралиб турмаслик, камтарлик, камсуқумлик каби сифатларга оддийлик, дея таъриф берилади.

**Оддийлик соғлом эътиқод сари йўлдир.** Тарихда энг буюк инсонлар, мутафаккир олимлар, жаҳоний дин пешволари, йирик давлат арбоблари, сиёсатдонлар ҳам оддийлик бобида барчага ўрнак бўлган. Ҳатто инсониятни буюк ўзгаришларга, тараққиётга, ҳамжиҳатликка, ижтимоий барқарорликка ундаб келган тушунчалар ҳам оддий сўзлардан иборат. Ахир, барчамиз **озодлик, тинчлик, адолат, масъулият, бурч, саховат, умид** каби сўзларни осонгина, ҳеч қандай изоҳсиз тушунамиз-ку!

Шу ўринда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг ўз ҳаётини оддийликда деб билган сўфийларга берган қуйидаги таърифига эътибор қаратмоқчиман: **"Сўфий ҳар бир нарсани ўз жойига қўядиган, вақтлар ва ишларни илм ила тадбир қиладиган, халқни ўз мақомига қўядиган, Ҳақнинг амрини ўз жойига қўядиган, беркитилиши лозим бўлган нарсани беркитадиган, очилиши лозим бўлган нарсани очадиган ва ишларни ҳузури қалб ила, сиҳҳати тавҳид ила, камоли маърифат ила, риояти сидқу ихлос ила ўз ўрнида адо этадиган шахсдир"**.

Оддий одам ҳеч қачон ўзини бошқалардан юқори тутмайди. Унинг шиори — "Оддийлик билан ҳақиқатга эришиш", оилада, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш, амалий фаолиятда натижа учун ишлаш, ижтимоий ҳаёт ва турмушда камтарлик, маънавий-руҳий ҳолатда юксак ахлоққа суяниш. Ана шундай одамлар ҳар доим жамиятда эъзозли бўлган, яна ҳам аниқроқ айтсак, бундай кишилар жамиятнинг виждони даражасида тан олинган. Оддийлик кишиларни ҳам жамиятда, ҳам оилада мўътабар шахсга айлантирган. Бундайлар, шубҳасиз, янги Ўзбекистонда кўплаб топилади. Биз уларга эргашамиз, улар билан фахрланамиз.

Энди оддийликнинг зидди бўлган расмийлик ҳақида икки оғиз сўз. Давлатлараро муносабатларда, муҳим сиёсий масалаларни ҳал этишда, мамлакат ва миллат тақдири ҳал бўлаётган паллаларда, шубҳасиз, умумэътироф этилган расмийлик лозим. Буни биз "протокол ҳолати" ҳам деймиз.

Бироқ жамият ҳаётида, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда, давлат, жамият ва шахс муносабатларини тартибга келтириш жараёнида ҳаддан ортиқ расмиятчиликка берилиш одамларда норозилик кайфиятини уйғотади, субъектларнинг бир-биридан шубҳаланиш даражасини оширади. Афсуски, бундай ҳолатлар ҳали ҳам жамиятимизда учраб турибди.

Айрим катта ва кичик раҳбарларнинг фуқаролар муаммоларини ҳал этишдаги расмиятчиликка муккасидан кетишининг қатор сабаблари мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

— бундайларда ўзини бошқалардан бир "бош" юқори қўйишдан иборат сохта тасаввурнинг шаклланганлиги;

— самимийлик билан носамимийлик фарқини тушунмаслик;

— ўз билим ва тажрибаси камлигини сохта расмиятчилик билан беркитишга мойиллик;

— жамиятдаги мавжуд қонунчилик меъёрларига беэътиборлик, минг йиллар давомида аждодларимиз томонидан яратилган юксак ахлоқ қоидалари, айниқса, халқимиз томонидан авайлаб-асраб келинган камтарлик, жўнлик, камсуқумлик каби азалий қадриятларни билмаслик ёки билиб туриб назар-писанд қилмаслик.

Жамиятда ҳаддан ташқари расмиятчиликка кўп эътибор берилиши, шунингдек, совет даврида шаклланган маъмурий-буйруқбозлик тизими таъсирида ҳам юз бермоқда. Бу ҳолат одамларда безовталикни, маҳаллий бошқарув тизимига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқариши мумкин.

Қисқача айтганда, сохта расмиятчилик одамларда ижтимоий-сиёсий масалаларга қизиқишни сусайтиради, ижтимоий фаолликка салбий таъсир кўрсатади.

Бугун тарбиявий соҳада, тарғибот-ташвиқот борасида тизимли камчиликларимиз бор. Унинг сабаблари жуда кўп. Мен ушбу мақолада унинг фақат бир жиҳати — олиб борилаётган тарғибот ишларимиз самарадорлиги, натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган айрим омиллар, хусусан, тарбиявий жараёнларда оддийликдан кўра расмиятчиликка кенгроқ аҳамият қаратилаётгани ҳақида тўхталишни мақсад қилдим.

Биз юқорида ҳамма нарсада оддийлик муваффақиятлар сари йўл эканини таъкидлаган эдик. Ҳақиқатан ҳам шундай. Буюклик оддийликдан бошланади. Бу, айниқса, юртимиздаги минглаб маънавий-маърифий тадбирларда яққол кўриниб қолмоқда. Қолаверса, бугунги тарғибот масаласи бўйича ижтимоий тармоқларда кенг жамоатчилик томонидан билдирилаётган эътирозларни ҳам қабул қилиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Хўш, бунинг сабаблари нималардан иборат бўлиши мумкин?

**Биринчидан,** назаримизда, тарбиявий ишларда, айниқса, тарғибот борасида оддийлик расмиятчиликка аралаштириб юборилаётганга ўхшайди. **Тарғиботдаги оддийлик аслида реалликдан бошланади.** Биз олдимизда турган энг муҳим, глобал, узоқ муддатларда ҳал этилиши мумкин бўлган мақсад ва вазифалар ўрнини бугун бажаришимиз лозим бўлган яқин муддатдаги вазифалар билан чалкаштириб қўйгандекмиз.

Тингловчилар учун унча тушунарсиз бўлган "комил инсон", "баркамол авлод" каби тушунча ва атамаларни тинимсиз гапирсак-да, ўқувчига бу тушунчалар остида ётган буюк ғоялар, мутафаккирларимиз назарда тутган мақсадлар ҳақида тушунча бермасак, тарғиботимиз самара бермайди. **Ўзига тушунарсиз, сийқаси чиқиб кетган мавҳум гапларни, "иқтибослар"ни мактабда ҳам, маҳаллада ҳам, олий таълим масканида ҳам бир хил тарзда такрорлайвериш, шубҳасиз, ўқувчига салбий таъсир кўрсатади.**

Шунинг учун тарғиботдаги оддийлик деганда биз бу борада айнан бугун олдимизда турган энг долзарб муаммолар, хусусан, ёшлар маънавий олами, дунёқарашига таъсир этаётган ички ва ташқи таҳдидлар, уларнинг жамият тараққиётига ва шахс шаклланишига салбий таъсири, буларнинг оқибатлари ҳақида тушунча берсак, фикримизча, мақсадга эришган бўламиз.

**Иккинчидан,** тарғиботдаги оддийлик деганда тингловчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишларини ҳам эътиборга олиш назарда тутилади. Бир хил мавзуни аҳолининг барча табақалари учун айни ҳолда тушунтириш натижа бермайди. 50-70 ёшли, ҳаётий тажрибага эга, фарзанд ва набиралар тарбиялаган отахон ва онахонларга тарбиянинг аҳамияти, унинг жамият ва оила тақдирида тутадиган ўрни ҳақида маъруза ўқиш тўғри бўлармикан?



> ОДДИЙЛИК СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД САРИ ЙЎЛДИР. ТАРИХДА ЭНГ БУЮК ИНСОНЛАР, МУТАФАККИР ОЛИМЛАР, ЖАҲОНИЙ ДИН ПЕШВОЛАРИ, ЙИРИК ДАВЛАТ АРБОБЛАРИ, СИЁСАТДОНЛАР ҲАМ ОДДИЙЛИК БОБИДА БАРЧАГА ЎРНАК БЎЛГАН. ҲАТТО ИНСОНИЯТНИ БУЮК ЎЗГАРИШЛАРГА, ТАРАҚҚИЁТГА, ҲАМЖИҲАТЛИККА, ИЖТИМОИЙ БАРҚАРОРЛИККА УНДАБ КЕЛГАН ТУШУНЧАЛАР ҲАМ ОДДИЙ СЎЗЛАРДАН ИБОРАТ. АХИР, БАРЧАМИЗ ОЗОДЛИК, ТИНЧЛИК, АДОЛАТ, МАСЪУЛИЯТ, БУРЧ, САХОВАТ, УМИД КАБИ СЎЗЛАРНИ ОСОНГИНА, ҲЕЧ ҚАНДАЙ ИЗОҲСИЗ ТУШУНАМИЗ-КУ!

Ёки энди ўсиб келаётган, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлаётган, бироқ ҳаётий тажрибаси кам йигит-қизларга "юқори материялар" тўғрисида тушунтириш бериш керакми?

Назаримизда, тарғиботдаги оддийлик кун тартибига қўйилган масаланинг ҳаддан ташқари "назарийлашгани"ни инкор этади. Академик таълимдан фарқли ўлароқ, тарбия соҳасидаги оддийлик назарий билимларни инкор этмаган ҳолда кўпроқ эътиборни бугунимиз талаб этаётган ҳаётий муаммолар ва уларнинг ечимига қаратишни кун тартибига қўймоқда.

**Учинчидан,** маънавий-маърифий соҳадаги оддийлик деганда, биз ўз тадбирларимиз орқали реал ҳақиқатни акс эттиришимиз ҳам назарда тутилади. **Баъзан тарғибот ишларимизда реал ҳаётни чиройли иборалар, узундан-узоқ назарий хулосалар, кўпчилик тушунмайдиган атамалар билан "безаш"га ҳаракат қиламиз.**

Бугуннинг одами, айниқса, ёшлар ижтимоий фаол, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила олиш салоҳиятига эга эканини ҳам ёдда тутишимиз лозим. Ҳар бир масала бўйича уларнинг ўз фикри, мулоҳазаси бор. Бундай ижобий ҳолатларни эътиборга олмасдан тарғиботга киришиш тингловчиларда безиш ҳолатини юзага келтиради.

**Тўртинчидан, тарғибот масаласидаги оддийлик аниқликни талаб қилади. Қуруқ шиорлар, барчага маълум бўлган тушунчалар билан мазкур соҳада муайян ютуққа эришиш амримаҳол.**

Шунингдек, тарғиботчи ўқувчида, тингловчида кўтарилган масала бўйича шубҳа қолдирмаслиги керак. Шубҳаланувчиларни "тарбиялаш"нинг ягона йўли совет даври, мустақилликнинг дастлабки босқичлари, айниқса, мамлакатимизнинг 2016 йилдан кейинги ривожланиш даражасини солиштириш ва улардан реал хулосалар чиқаришдир.

Масалан, мустақиллик арафасида, 1991 йилда Ўзбекистон аҳолиси 20 миллион кишидан иборат бўлгани, бугунги кунда 36 миллиондан иборат экани, шунга қарамай, халқимиз ҳаёт даражаси ўша даврдагига қараганда бир неча баробар ўсганини рақамлар билан тушунтирсак, унинг таъсир кучи ошади-ку!

Ахир, бу давр мобайнида Ўзбекистон ҳудуди бир қарич ҳам кенгаймади, ер ости бойликлари камайса камайдики, бироқ кўпаймади. Камбағалликни қисқартириш, одамларни уй-жой билан таъминлаш, юртимиз гўшаларини обод қилиш, янги-янги шаҳарлар, "сити"лар барпо этилаётганига эса барча гувоҳ. Бундай мисолларни ҳар куни, ҳар қадамда учратиш мумкин.

**Тарғиботдаги оддийлик реал ҳақиқат ва амалиёт бирлигини талаб этади. Бундай бирлик эса шахс манфаатига ҳар доим мос келади.**

**Бешинчидан,** тарбия, маънавий-маърифий соҳадаги оддийлик ақл билан қалб уйғунлиги, муштараклигини шакллантирадиган омилдир. Мазкур масала бугун ўта долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Бугун ўзини креатив фикрловчи, замон талабларига жавоб берувчи деб билган айрим фуқаролар таълим ва тарбия нисбатидаги мўътадилликни унутиб қўяётганга ўхшайди.

Ҳатто баъзи таълим муассасалари раҳбарлари орасида ҳам "тарбия оила ва мактабнинг иши", дея ўзининг асосий ишини таълим беришдан, "етук мутахассис" тайёрлашдан иборат, деб билганлар сони кўпайиб бораётганини жамият учун хавфли ҳолат сифатида эътироф этиш лозим.

Наҳотки, улар тарбия масаласи бир умр давом этадиган ўта зарур ва долзарб вазифа эканини тушунмаса. **Миллий қадриятлар қадрини билмаган, улуғ аждодларимиз томонидан минг йиллар давомида шакллантирилган миллий маданий-маънавий меросни инкор этганлар томонидан шакллантириладиган "етук мутахассис"ни ҳақиқатан ҳам етук мутахассис дейиш мумкинми?**

Тўғри, биз учун бугун янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этадиган, замонавий билим ва касбларни эгаллаган, юртимизга жаҳоннинг энг тараққий этган технологияларини олиб келадиган ва уларни ўзимизда ярата оладиган мутахассис кадрлар жуда керак. Бироқ бундай кадрларда миллий ўзлик сифатлари, юксак ватанпарварлик фазилатлари, ўз тақдирини миллат ва ватан тақдири билан уйғунлаштира олиш кўникмалари бўлмаса, биз кўзлаган юксак марраларга эришиш жуда қийин.

**Таълим тизими ёшларимизнинг ақл, тафаккур майдонларини кенгайтирса, тарбия инсон қалби ва руҳиятини поклайди, соғлом эътиқодни шакллантиради.** Бу ҳикмат мутафаккир олимлар томонидан неча асрлар давомида такрор-такрор эслатиб келинади.

Масалан, ақл ва қалб уйғунлигига эришишнинг шахс тарбиясидаги ўрни масаласига буюк мутафаккир Абу Ҳомид Ғаззолий алоҳида аҳамият беради. У "Кимёи саодат" асарида инсон танасини шаҳарга ўхшатади. Унинг айтишича, қалб, **дил — шаҳарнинг подшоҳи. Ақл — шаҳар подшоҳининг вазири. "Бунга ўхшаш вақтики подшоҳ Дил вазир — Ақлнинг маслаҳати бирла иш қилса, шаҳват ва ғазабни вазир Ақлнинг зердасти ва фармонида қилса, бадан мамлакати анинг низомида бўлғусидир. Ва саодат йўлини топиб, Ҳақ таолонинг маърифатини ҳосил қилғусидир ва агар Дил вазир Ақлни шаҳват ва ғазаб илигида асир қилса, бадан мамлакати вайрон бўлиб, подшоҳ Дил ҳам асир бўлиб, бадбахт ва ҳалок бўлғусидир".**

Хўш, юқорида гап нима устида кетмоқда?

Гап тарбия масаласининг ўта муҳимлиги ҳамда таълимнинг тарбия билан, қалб, дил мақомининг ақл билан узвий боғлиқлиги ҳақида кетмоқда. Шунинг учун ҳам тарғиботни бир хил тарзда тушуниш, таълимга эътиборни кучайтириб, тарбиянинг аҳамиятини сусайтириш асло мумкин эмас. Бугунги дунёнинг очиқлиги, ҳаддан ортиқ даражада глобаллашув жараёнлари ҳам шуни тақозо этмоқда.

**Олтинчидан,** тарбия жараёнидаги оддийлик тарғиботчидан ҳимоя позициясига қараганда кўпроқ ҳужумкорлик ҳолатида ҳаракат қилишни талаб этяпти. Тарбиявий ишлар, тарғибот соҳаси фақат йўл қўйилган хато, камчиликлар оқибати билан курашиш эмас. Тўғри, иқтисодиёт, ижтимоий соҳаларда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда кутилаётган самара ҳажми ва кўламини аниқлаш бир оз осонроқ. Аммо тарбиявий жабҳада масалага шу тарзда муносабатда бўлиш, бирданига натижа кутиш унчалик ҳам тўғри эмас.

Янаям аниқроқ айтсак, мазкур соҳада пайдо бўлиши мумкин бўлган таҳдидларни аниқлашнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Бугунги дунёнинг глобаллашуви, ижтимоий тармоқлар ва интернетнинг ривожланиши туфайли биз учун мутлақо нотаниш салбий ҳолатлар эътиқоди суст, маънавий-мафкуравий иммунитети шаклланмаган ёшларни домига тортиб кетмоқда.

Аммо замонавий тарғиботчининг салоҳият даражаси ҳам шундаки, у ҳар қандай ҳолатда ҳам турли ички ва ташқи таҳдидларни сезиши, таҳлил қила олиши ва унга ташхис қўя билиши лозим. Бугунги тезкор дунёда тарбия соҳасида ҳужумкорлик ҳолатининг зарурлиги деганда биз юқоридагиларни тушунамиз.

**Еттинчидан,** тарбиядаги оддийлик деб уни фақат панд-насиҳатдан иборат ҳолатга айлантириш ҳам мумкин эмас.

Чунки бугунги ёшларимизнинг билим савияси жуда юқори. Улар кўп нарсалардан, жумладан, шахс одоби, ахлоқ меъёрларидан яхши хабардор. Бироқ биз билиш бошқаю, билган нарсага амал қилиш бошқа эканини ҳар доим ҳам англаб етавермаймиз. **Шунинг учун алломаларимиз таълим — билиш, тарбия — амал қилиш, дея таъкидлаган.**

Мутлақ ҳақиқат — Аллоҳнинг борлиги. Қолган барча нарсалар нисбий мазмунга эга. Шу маънода, тарбия соҳасида оддийликни илоҳийлаштириш ҳам тўғри эмас. Фазилат меъёрни билишдан иборат экани каби тарбия соҳасида ҳам оддийлик тамойилидан меъёрда фойдалансак, албатта, мақсадларимизга эришамиз.

Тарбия жараёнидаги оддийлик самимийлик тушунчаси билан янада самаралироқ бўлади, равшанлашади. Самимийлик ҳаётимизда учраб турадиган сохтакорлик ва сунъийликларнинг олдини олади. Самимийлик, энг аввало, тўғрилик, поклик, оққўнгиллик, бағрикенглик, билимлилик, яхшилик каби инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган тушунча. Бу тушунча айни пайтда бошқалар гапини тинглай билиш, ҳамфикр ва хабардор бўлишни ҳам ифода этади.

**Тарбиявий ишлардаги носамимийлик сохтакорлик ва сунъийликни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатдаги ишлар нафақат самара бермайди, энг ёмони, улар тескари натижага, одамларни чалғитишга ундайди.**

Агар биз тарбиявий, маънавий-маърифий ишларда оддийлик ва самимийлик тамойилларига амал қилар эканмиз, бунда, энг аввало, ўзимиз билдираётган фикрларнинг айни ҳақиқат эканига ишонишимиз муҳим. **Биз ўз ҳукмимизга шундай нарсаларни киритишимиз лозимки, у ақлда ноаниқликка мутлақо ўрин қолдирмаслиги керак.**

Тарбиядаги оддийлик ҳар бир тарғиботчидан ўз фикри йўналишини аниқлаб олишни, уни эътиқод даражасида ҳимоя қилишни талаб этади. Бу борадаги оддийлик энг содда ва осон билинадиган нарсалардан бошлаб аста-секинлик билан, поғонама-поғона, тобора мураккаб нарсаларни билишга ва тарғиб этишга қараб юриши муҳимдир.

Юқорида билдирилган субъектив, шахсий фикрлар узоқ йиллар тўплаган амалий тажрибаларимиз, хулосаларимиз натижасида шаклланган. Бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, тарбия борасида ягона тўғри ташхисни қўйиш, шунингдек, истиқболда кутилиши мумкин бўлган турли таҳдидларни олдиндан кўришдан ҳам мураккаброқ вазифанинг ўзи йўқ. Акс ҳолда, бугун ҳар қадамда учраётган ва урчиб, кўпайиб бораётган тарбиясизликлар, ахлоқий айнишлар, қадриятларимизга нисбатан беписандликлар содир бўлмасди.

Бу борада битта оддий ҳақиқатни эсдан чиқармасак бўлди: **биз учун бугун тарбия — оддийлик ва самимийликда, дунёни англаш эса — глобал тафаккурда.**

Ана шу икки жиҳат бу борада бошлаган ишларимиз самарадорлигини, натижадорлигини таъминлайди, жамиятимизни янада поклантиришга, ижтимоий-маънавий барқарорликни таъминлашга, одамларимизда эртанги кунга ишончни мустаҳкамлашга имкон бериши тайин.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



# Миллий молия бозори

## Иқтисодий тебранишлар фонидаги ривожланиш



**Илҳом АЛИМАРДОНОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари янги таҳрирдаги Конституцияни ҳаётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан учрашувда ҳам юртимиздаги барча ислоҳотлар халқ учун эканлигини таъкидлади. **“Ҳар бир ишимизда, қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимизда фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатлари энг устувор ўринда туриши шарт”,** деди Президентимиз.

Яхши ҳаёт кечириш, ўқиш, ишлаш, даромадга эга бўлиш кабилар ҳам фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари саналади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши ва бу борадаги ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиши учун барча шароитлар яратиб берилаётгани боиси шунда. Аҳамиятлиси, янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон “ижтимоий давлат” деган тамойил муҳрланиб, давлатнинг бу соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробар ошди.

### Хусусийлаштириш зарутатга айланди

Тараққиётга иқтисодиёт ривожисиз эришиш қийин. Бунда молия сектори етакчи ўринни эгаллайди. Яъни банк ва нобанк молия муассасалари, молия бозорлари ушбу йўналиш асоси бўлиб, иқтисодиётни ҳаракатлантириб турувчи куч, дейиш мумкин. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг молия секторини фаоллаштириш реал секторни ривожлантиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Хусусан, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инфляцияни жиловлаш, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш имконини берса, ҳукуматнинг бюджет сиёсати орқали бюджет дефицитининг қисқариши иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида мамлакат иқтисодиётининг молия секторини ривожлантириш бўйича долзарб вазифаларни илгари сурган эди. Ушбу йўналишдаги масалалардан бири эса мамлакат фонд бозорини ривожлантириш орқали иқтисодиётдаги молиявий ресурслар ҳажмини ошириш ва аҳолининг давлат компаниялари ҳамда банкларни хусусийлаштириш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашдан иборат. Президентимизнинг бу борадаги сўзларини яхши эслаймиз: “Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим — юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин. Шунинг учун топшириқ бердим: келгуси йилда энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очиқ ва шаффоф савдога чиқарилади”.

Бу вазифанинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакат фонд бозорини ривожлантириш бўйича белгиланган улкан ишларни бажариш йўлидаги муҳим қадам бўлади. Чунончи, тараққиёт стратегиясида ҳам юртимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналар ва улардаги давлат улушларини (акцияларни) фонд биржаси орқали хусусийлаштириш белгиланган. Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил охирига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш йўли билан келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион доллардан 7 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилган.

Иқтисодиёт катта соҳа ва у ҳар доим ҳам бир текис ривожланмайди. Турли тармоқлардаги ўзгаришлар молия секторида ҳам акс этиб, ўсиш ва тушишларга олиб келади. Шу боис, иқтисодиётда аниқ белгиланган вазифа ва стратегиялар зарур. Айниқса, бу халқ фаровонлиги, одамлар турмуш тарзининг ўсиши билан боғлиқ бўлса. Вазифаларни амалга ошириш учун эса соҳадаги бир қатор муаммоларни тезлик билан ҳал қилиш талаб этилади. Улардан асосийлари сифатида бир нечтасини ажратиб кўрсатиш мумкин.

### Инфляцияни жиловлаш — долзарб вазифа

Молия секторидаги энг асосий воситалардан бири, турган гапки, валюта бозори саналади. Шу боис, олдимиздаги долзарб вазифалардан бири миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш ва эмитент (қимматли қоғозлар чиқарадиган ташкилот)ларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлик даражасини оширишдан иборат.

Валюта бозори талаб ва таклиф асосида чет эл валютаси олди-сотди қилинадиган бозор демакдир. Бу бозор валюта хатарини суғурталаш, валюта захираларини диверсификациялаш, валюта сарфлари билан боғлиқ турли тадбирларни ҳам ўз ичига олади. Мамлакатимизда Республика валюта биржаси ташкил этилган. Унинг ўзига хослиги шундаки, бу биржада нафақат валюта, балки фонд операциялари ҳам амалга оширилади.

Ушбу биржа мамлакатимиздаги ягона ва узоқ йиллар давомида фаолият юритиб келаётган валюта бозори саналади. У Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини самарали амалга оширишда савдо майдончаси бўлиб хизмат қилмоқда.

> ЯХШИ ҲАЁТ КЕЧИРИШ, ЎҚИШ, ИШЛАШ, ДАРОМАДГА ЭГА БЎЛИШ КАБИЛАР ҲАМ ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚЛАРИ САНАЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТ КЕЧИРИШИ ВА БУ БОРАДАГИ ҲУҚУҚЛАРИДАН ТЎЛАҚОНЛИ ФОЙДАЛАНИШИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАНИ БОИСИ ШУНДА. АҲАМИЯТЛИСИ, ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН “ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ” ДЕГАН ТАМОЙИЛ МУҲРЛАНИБ, ДАВЛАТНИНГ БУ СОҲАДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ НОРМАЛАР 3 БАРОБАР ОШДИ.

Миллий биржанинг ягона савдо ва пост-трейдинг тизими бозор иштирокчиларига савдо, клиринг ва ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатган ҳолда, чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш ҳамда савдолар тўғрисида маълумот олиш учун тенг имкониятлар тақдим этади.

Миллий бозорлар ва уларнинг ўзаро алоқалари ривожланиб бориши билан жаҳон молиявий марказларида дунёнинг етакчи валюталари учун яхлит бозор шаклланди. Замонавий жаҳон валюта бозорлари электрон алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш ва улар орқали операциялар ҳамда ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини беради. Валюта операциялари навбати билан жаҳоннинг барча жойларида узлуксиз амалга оширилади.

Бундай фаол жараёнларда миллий валютамизнинг қадрсизланиш кўрсаткичларини пасайтириш юқорида таъкидлаганимиздек, долзарб вазифа саналади. Маълумотларга кўра, охирги 4 йил (2018-2022 йиллар)да миллий валютамизнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати 34,6 фоизни ташкил этди. Бу юқори суръатдаги қадрсизланиш даражаси бўлиб, қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Агар бунинг сабабларига қизиқадиган бўлсак, барчаси бир-бири билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Масалан, юртимизда эмитентлар томонидан муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир этаётган омиллардан бири, бу — уларнинг молиявий барқарорлик даражасининг нисбатан паст эканлиги. Бу ҳолат активлар рентабеллиги кўрсаткичи пастлиги билан боғлиқ. Корхоналарда активлар рентабеллиги пастлиги эса маҳсулотнинг таннархи сотишдан олинган тушум ҳажмидаги салмоғининг юқорилиги билан изоҳланса, тижорат банкларида активлар рентабеллик даражасининг пастлиги муаммоли кредитлар миқдори катта экани билан алоқадор.

Марказий банк маълумотларига кўра, 2019-2021 йилларда мамлакат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг умумэътироф этилган даражасидан (3 фоиз) сезиларли юқори бўлган. Иқтисодий тармоқлар кесимида муаммоли кредитлар таркибида саноатнинг улуши 28 фоиз, савдо ва умумий овқатланишда — 13, қишлоқ хўжалигида — 11, уй-жой коммунал хизмат кўрсатишда — 8, қурилишда — 5, транспорт ва коммуникация, моддий ва техник таъминотни ривожлантиришда — 1, бошқа соҳалардаги улуши эса 32 фоизни ташкил этган. 2021 йил якунлари бўйича жами тўлов муддати узайтирилган кредитлар қолдиғи банк тизими кредит портфелининг 27 фоизи (88 триллион сўм)ни ташкил этиб, айрим банкларда бу кўрсаткич ўртачадан сезиларли юқори шаклланди.

Кейинги асосий вазифа сифатида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва миллий ссуда капиталлари бозорини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш лозимлигини келтириш мумкин.

Ҳозир юртимизда тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари юқори. Масалан, 2022 йил декабрь ойида тижорат банклари кредитлари (сўм)нинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 22,3 фоизни ташкил этган. Кредитлар фоиз ставкаларининг бу тарзда юқори бўлиши юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади.

Масаланинг ечими сифатида хориж тажрибасидан фойдаланиш, янги усул ва таклифларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Масалан, дунёнинг кўплаб мамлакатларида инглиз иқтисодчиси Жон Кейнс томонидан таклиф этилган “Арзон пуллар” сиёсатининг қўлланиши миллий иқтисодиётлар барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омил бўлди. Ж.Кейнс бунда Марказий банк ҳисоб ставкасини пасайтириш йўли билан тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайтиришга эришишни таклиф қилган. Бунинг натижасида компанияларнинг банк кредитларидан фойдаланиш даражаси ошиб, инвестицион харажатларни молиялаштириш ҳажми кўтарилади. Юртимизда ҳам ана шу тажрибадан фойдаланиш иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш, тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти ва аҳолининг тўлов қобилиятини рағбатлантириш имконини беради.

Гап шундаки, ҳозирги кунда миллий ссуда капиталлари бозори фаолиятининг узлуксизлиги ва унинг ликвидлиги ҳам кредит ресурслари таклифи ҳамда уларга бўлган талаб ўртасидаги мувозанатнинг таъминланишига боғлиқ. Бу эса, кредит ресурсларига бўлган талабнинг ошиб кетиши ва кредитлар фоиз ставкалари кескин кўтарилиши натижасида юзага келадиган бозор мувозанати бузилишига барҳам берадиган махсус захира фондини шакллантириш заруратини юзага келтиради.

Шу ўринда ссуда капитали нима, деган ҳақли савол туғилади. Молия соҳасидан йироқ бўлган кишиларга нотаниш бу сўз қайтариб бериш, муддатлилик ва фоиз тўлаш шартлари асосида бериладиган пул шаклидаги капитални англатади. Ссуда капитал бозори — ссуда капитали сотиладиган ва сотиб олинадиган майдон. Марказий банк, тижорат банклари, халқаро молия-кредит институтлари мазкур бозор иштирокчилари саналади.

Ссуда капиталлари бозорида миллий валютадаги депозитлар ва кредитларнинг бозор баҳолари, яъни ўртача фоиз ставкалари шаклланади. Миллий ссуда капиталлари бозори фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш Марказий банк томонидан РЕПО аукционлари орқали фоиз ставкаларининг ўзгаришини назорат қилиш заруратини юзага келтиради. Бунда Марказий банк миллий ссуда капиталлари бозорининг доимий ва тўлақонли аъзоси сифатида ўзининг кредит ресурсларини бозордаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тўғри РЕПО ва тескари РЕПО шартлари бўйича жойлаштириб боради.

### Суғурта — ишончли кафолат(ми)?

Молия секторини ривожлантиришнинг асосий шартларидан яна бири — кичик бизнес субъектларида юқори ликвидли гаров объектлари етишмаслигини ҳисобга олиб, уларни лизинг ва қайтариладиган лизинг асосида кредитлашга эътиборни кучайтириш лозим. Бунинг учун, биринчидан, тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларига берилган лизинг кредитларидан оладиган даромади фойда солиғидан озод қилиниши муҳим. Иккинчидан, лизинг объектининг ўзи тўла қийматда гаров объекти сифатида қабул қилиниши тўғри бўлади. Учинчидан, лизинг объектига ҳисобланган амортизация ажратмаси реал қийматининг пасайишига йўл қўймаслиги зарур.

Молия тилида “лизинг” узоқ муддатли ижарани англатади. У оддий ижара шаклига ҳам ўхшаб кетади. Аммо лизинг хизмати охирида ижарага олинган объектни сотиб олиш имконини беради. Яъни лизингда битим предметини мижоз танлайди. У сотувчини танлайди. Харидни эса лизинг компанияси амалга оширади ва сотиб олинган товарни мижозга вақтинчалик фойдаланиш учун келишилган муддатга беради. Белгиланган сумма тўлангандан кейин ижарадаги мулк мижознинг тасарруфига ўтади. Масалан, тракторни лизингга олмоқчи бўлган фермер ушбу хизмат турини кўрсатувчи компанияга боради. Сўнг компания ўз маблағлари ҳисобидан тракторни харид қилади ва уни мижозга маълум миқдордаги тўлов эвазига муддатли фойдаланиш учун топширади. Белгиланган ижара муддати якунланганидан сўнг эса тракторга эгалик қилиш ҳуқуқи бевосита мижознинг номига ўтади.

Қайтариладиган лизинг кичик бизнес субъектининг балансида бўлган лизинг объектини тижорат банкига сотиш йўли билан унинг айланма маблағларини тўлдириш имконини беради. Шу боис, банкларнинг лизинг кредитларидан оладиган даромадини фойда солиғидан озод қилиш уларнинг кичик бизнес субъектларини лизинг асосида кредитлашдан бўлган манфаатдорлигини оширади. Қолаверса, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириб, тежалган солиқ суммасини кредитлашга йўналтириш имконини беради.

Ҳозирги вақтда мамлакат иқтисодиёти ривожида экспорт кўлами ҳам етакчи ўрин эгаллаётгани сир эмас. Маҳаллий тадбиркорлар маҳсулотларининг хорижга қанча кўп чиқарилиши шунча кўп валюта айланмасини таъминлайди. Аммо маҳсулотни чет давлатга сотиш осон эмас. Шу боис, охирги йилларда юртимизда экспортёр корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти.

Бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари экспортини суғурталашни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишнинг вақти келди. Бунинг учун амалга оширилиши лозим бўлган бир қанча йўналишлар кўзга ташланади.

Биринчидан, ўзаро суғурталаш инструментидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш керак. Чунки, мазкур инструмент қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталаш билан боғлиқ харажатлар миқдорини камайтиради. Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишда товарларни етказиб беришнинг суғурта харажатларини импортёрга юклаш имконини берадиган шартларидан фойдаланиш лозим.

Бунинг учун суғурта бозорини ривожлантириш ҳам талаб этилади. Чунки суғурта бозорининг тез суръатларда ўсиши молиявий тизим ва жамиятнинг ривожланиш сари илдамлашида муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларда суғурта кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган. Маълумотларга кўра, дунё суғурта бозорида мингдан зиёд турдаги суғурта хизматлари кўрсатилади ва уларнинг 300 таси ҳаётни суғурталашга қаратилган. Аммо ҳозирги вақтга келиб, аксарият давлатларда инсонлар нафақат ўз ҳаётини, балки мол-мулки ва иқтисодий манфаат келтирувчи бошқа воситаларни ҳам суғурталамоқда.

Айни вақтда Ўзбекистон суғурта бозорида 41 та суғурталовчи хизмат кўрсатиб келмоқда. Сўнгги йилларда юртимиздаги суғурта бўлимлари сони қарийб 2 мингтага етди. Аммо бу ҳали етарли эмас. Молиявий секторнинг бир қисми сифатида ушбу бозорни ҳам ривожлантириш зарурати мавжуд, бу борада қадамларни жадаллаштириш вақти келди.

ТААССУРОТ

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚЎРҒОН

## Қишлоқ одамларига ишонч ва умид олиб келган сув



**Комил СИНДАРОВ,
юридик фанлар доктори, профессор**

**Илм-фан юксак тараққий этиб, сунъий интеллект жадал ривожланаётган бугунги кунда унча-бунча кашфиёт, ҳатто ақлбовар қилмас янгиликлар ҳам ҳайратимизни ошириши қийин бўлиб қолди. Айниқса, ёши олтмишдан ошиб, масалага ёндашиш ракурслари анчайин мантиқийлашган одамни лол қолдириш янада мушкул.**

Аммо Самарқанднинг нисбатан чекка ҳудуди — Қўшработ туманининг Қўрғон қишлоғида кўрганларим мени чиндан ҳайратга солди. Гап шундаки, нафақат қўрғон, балки шу атрофдаги Қаракисса, Қўштамғали, Чиноқ, Тов қишлоқларига ҳам ичимлик сув келибди. Бунинг нимаси ҳайратланарли, бугун юртимизда кечаётган янгиланиш жараёни, жойларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг олдида бу денгиздан томчи ҳам эмас-ку, дерсиз? Бир томондан, сиз ҳақсиз, аммо ўша қишлоқларда яшовчи минглаб юртдошларимиз учун бу чинакам тарихий воқеа. Боиси, Оқтов ва Қоратов оралиғида жойлашган олис қишлоқлар аҳолиси XXI асрга — инсон қадри барча ислоҳотларнинг бош мезонига айланган бугунги кунга келибгина марказлашган тармоқ орқали тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлди.

Жўмракдан чиқаётган муздек сувдан қониб ичарканман, юрагим ҳаяжондан гупуриб уриб кетди. Кўнглим чексиз ғурурга тўлди. Беихтиёр болалик чоғларим, қўлим қавариб, қудуқдан сув тортган пайтларим ёдимга тушди. Бахши бобом Эргаш Жуманбулбул ўғли тирик бўлганида бундан қандай суюнган, катта эҳтимол билан дўмбирасини қўлга олиб, замонамиз мадҳига бир ажиб достон куйлаган бўларди...

Олти асрлик тарихга эга бахшилар диёри — Қўрғон қишлоғида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, кўз ўнгимизда рўй бераётган янгиланишлар чиндан ҳам ҳар қандай инсонни ҳангу-манг қилиб қўяди. Замонавий дунёдан айро, олисликка хос нисбатан қолоқ бир қишлоқ сўнгги бир неча йил ичида шаҳарга айланиб қолгандай: қишлоққа кираверишда миллий ва замонавий усулда қурилган Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги каттагина музей кўзга ташланади. Атрофидаги ям-яшил боғ, турфа анвойи гуллар, камалак жилоли фавворалар, улуғ бахшига ўрнатилган маҳобатли ҳайкал, муҳташам мавзолей қишлоқ кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу даргоҳга келаётган маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар қадами узилмайди.

Кўчанинг икки тарафини бир текис қурилган шинам ҳовли-жойлар, дўконлар, ошхонаю хизмат кўрсатиш шохобчалари безаб турибди. Асфальт йўлнинг чети пиёдалар йўлакчаларига улашиб кетган. Кўча бўйларида ўрнатилган ёритқичлар қоронғи кечани кундузга айлантиргандай. Мана шу каби ўзгаришлардан келиб



чиқиб, бу ердаги юртдошларимиз қишлоқни “Қўрғон сити”, деб номлашибди.

— Булар ҳали ҳолва, — дейди қишлоқ оқсоқолларидан бири. — Оқтовнинг биқинида тураман, бир умр ўнқир-чўнқир йўлда чангга ботиб юрдик, яқинда йўлимиз асфальтланди, ана шундай равон йўл уйимгача борди-я, одамнинг ишонгиси келмайди! Ҳар эшикда машина. Замонангдан айланай, хўб ажойиб замон бўлди-да!

— Ҳа, ўлманг, — дейди бошқа бир нуроний. — Авваллари бир кунда бир соат чироқ ёнарди. Кунимиз шамга қолганди. Рўзғорга бирор нарса керак бўлса, тупроқ кечиб, туман марказига борардик. Пенсияни вақтида ололмай, сарсон бўлиб юрганларимиз-чи! Худога шукр, буларнинг барчаси ўтмишда қолди. Одамнинг қаригиси келмай қоляпти.

Чиндан ҳам ажойиб замон бўлди-да! Юртимизнинг энг чекка, бир пайтлар салкам унутилаёзган қолоқ туманлари, олис қишлоқларида рўй бераётган туб ўзгаришлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг нақадар чуқур илдиз отгани, янгиланишлар барча жабҳалар, ҳудудларга кириб борганидан дарак эмасми? Асосийси, одамлар шод ва хуррам, давлатдан рози, Президентимиздан миннатдор!

Йўл-йўлакай туман ҳокими бизни халқаро гроссмейстер Жавоҳир Синдаров шахмат клубининг очилиш маросимига таклиф қилди. Туман марказида қад кўтарган Ёшлар марказидаги ушбу тадбирда қатнашдик. Жуда замонавий, сўнгги техника ва ускуналар билан безатилган клуб. Бунақаси, менимча, битта: чунки бундайин клубни на Тошкент ва на Самарқандда учратганман.

Жавоҳир ёш шахматчилар билан маҳорат дарслари ўтказди. Жараённи кузатар эканмиз, бу клубдан ҳали Жавоҳир сингари қанчадан-қанча гроссмейстерлар, жаҳон чемпионлари чиқишига умид қилдик. Туман ҳокими Жавоҳирга унинг энг яхши кўрган сипоҳи — от совға қилди.

Қишлоқдан ана шундай бир олам таассурот билан қайтдик...



ОДАМЛАР НИМА УЧУН КЎПРОҚ ТАБИАТ БАҒРИГА ОШИҚИШИ, ТАБИИЙ “БЎЁҚЛАР”ГА БУРКАНГАН ГЎЗАЛ МАНЗАРАЛАРДАН ЗАВҚЛАНИШИ ҲАҚИДА ҲЕЧ ЎЙЛАБ КЎРГАНМИСИЗ? ЧУНКИ НАИНКИ ИЖОДКОР КИШИ, БАЛКИ ҲАР ҚАНДАЙ СОҲА ЭГАСИ ТОЗА ҲАВО, ЖОНЛИ ТАБИАТ МАНЗАРАСИДАН ЗАВҚ, РУҲИЙ ҚУВВАТ ОЛАДИ. ЗАМОНАВИЙЛИК СИЙРАТИМИЗГА ҲАР ҚАНЧА СИНГИБ КЕТМАСИН, ШУУРИМИЗ СОКИН ТАБИАТ ТОМОН ТАЛПИНАВЕРАДИ.

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

# МИЛЛАТЛАР АНЪАНАЛАРИ
## ТУРИЗМ ОРҚАЛИ ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА

**Саёҳатни хуш кўрмайдиган инсон бўлмаса керак. Айниқса, одамларнинг яшаш тарзи тобора замонга мослашиб бораётган бугунги кунда дам олиш мақсадида бирор давлатга чиқиш, ҳеч бўлмаганда, маҳаллий саёҳатларни амалга ошириш одатий ҳолга айланган. Шунинг учун туризм даромадлилиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, биргина туризмдан тушаётган даромад йилига 2,5-3 триллион долларни ташкил этмоқда.**

Тадбиркорлар учун ҳам туризм йўналиши доим жозибадор бўлган. Айниқса, охирги йилларда маҳаллий ишбилармонларнинг сайёҳлик йўналишида хизматлар кўрсатиш кўлами сезиларли ошди. Таклифга яраша талаб ҳам юқори. Яъни юртимизда барча соҳаларда кўзга ташланаётган катта ўзгаришлар дунё сайёҳларини жалб этмоқда. Жумладан, ўтган йили диёримизга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 2021 йилдагига нисбатан 3 баробар ошган. Ички туризм дастурлари доирасида эса 11 миллиондан зиёд аҳоли саёҳат қилган.

Жорий йил бу кўлам янада ошиши, Ватанимизнинг бой маданияти ва туристик салоҳиятини жаҳонга тарғиб қилиш йили бўлиши кутилмоқда. Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 29 март куни мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, шу йилнинг ўзида 7 миллион хорижий ва 15 миллион ички сайёҳни жалб қилиш, соҳа экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш имкониятимиз бор.

### Табиат бағридаги ўтовлар

Одамлар нима учун кўпроқ табиат бағрига ошиқиши, табиий “бўёқлар”га бурканган гўзал манзаралардан завқланиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Чунки наинки ижодкор киши, балки ҳар қандай соҳа эгаси тоза ҳаво, жонли табиат манзарасидан завқ, руҳий қувват олади. Замонавийлик сийратимизга ҳар қанча сингиб кетмасин, шууримиз сокин табиат томон талпинаверади.

Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги “Олтин Ўрдо” дам олиш масканига борган киши шундай ҳисларни туяди. Меҳмонлар машинадан тушгани ҳамон “ҳавоси нақадар тоза”, дея илк таассуротларини билдиради. Кетаётганида эса бу сўлим масканга яна келишини айтиб, унинг бекаси Эркиной Абжамиловага миннатдорлик изҳор қилади.

Мазкур дам олиш маскани тоғ ёнбағрида жойлашган. Атрофини гўзал табиат манзараси ўраб туради. Меҳмонлар учун овқатланиш, дам олиш, ётоқхона хизматлари таклиф этилади. Ўзига хос томони, бу ерда қирғиз ва ўзбек миллатига хос анъаналар мужассамлаштирилган. Меҳмонлар дам олиши учун қирғиз ўтовлари ва ўзбекларнинг айвонча, сўрилари ўрнатилган бўлса, таомномадан ҳам икки миллат ошхонасига хос миллий таомларни топиш мумкин. Сайёҳларнинг таъбига қараб, Европа таомлари ҳам тайёрланади.

— Ўзим шу ерда туғилиб ўсганим учун ўрганиб қолган бўлсам керак, аммо узоқроқ манзиллардан келадиган одам борки, Хонободнинг бетакрор табиатига мафтун бўлиб, ҳавоси ниҳоятда мусаффо эканини таъкидлайди, — дейди Эркиной опа. — Яқин йилларгача бу ёпиқ шаҳар бўлган. Дам олиш



масканлари деярли йўқ эди. 2017 йилда давлатимиз раҳбари Хонободни туризм шаҳрига айлантириш бўйича топшириқ берганидан сўнг ушбу яшил макон сайёҳлар учун очилди. Бу мен каби тадбиркорлар учун ҳам айни муддао бўлди. Биринчилардан бўлиб дам олиш маскани ташкил этишга киришдим. Менга ажратилган ер ташландиқ, қаровсиз аҳволда эди. Лекин ўз ҳолимга ташлаб қўйишмади. Зарур ёрдамлар берилиб, имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундай қилиб, катта машаққат билан “Олтин Ўрдо” қирғиз-ўзбек дам олиш масканини ишга туширдик. 30 та иш ўрни яратдик.

Бошида ўтовларимиз сони кам, меҳмонлар оқими ҳам шунга яраша эди. Ҳозирги кунда ўнга яқин ўтов, алоҳида айвончалар бор. Ўтган йили АҚШ Тараққиёт агентлиги (USAID)нинг агротуризмни ривожлантириш йўналишида ўтказилган танловда ғолиб бўлиб, яна 5 та ўтов ва 2 та айвончага эга бўлдим. Натижада меҳмонларни қабул қилиш имкониятимиз ошиб, сайёҳлар оқими ҳам, даромад ҳам ортди. Ҳозир Хонободда дам олиш масканлари сони анча кўпайган. Атрофда ўнлаб зиёратгоҳ бор. Шаҳарчамиз водийнинг экотуризм марказига айланиб бормоқда.



“Олтин Ўрдо” дам олиш масканига хорижлик сайёҳлар ҳам кўп келади. Уларнинг қирғиз миллий ўтовлари, таомларига қизиқиши баланд. Ўтовлар ичида барча шароит муҳайё. Қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши учун иситиш ва совитиш тизимлари ўрнатилган. Овқатланиш учун эса тапчанлар ҳам, замонавий стол-стуллар ҳам бор. Меҳмонлар ихтиёрига қараб улардан биридан фойдаланади.

Ўтовлар кигиздан, ҳақиқий жун матодан тикилади. Айтишларича, битта ўтовни тикиб, тайёр ҳолга келтириш учун салкам бир ой вақт кетади ва камида 3-4 киши меҳнат қилади. Ўтовлар ичида қирғиз миллий ҳунармандлик маҳсулотларини ҳам учратиш мумкин. Тадбиркор уларни Қирғизистондан олиб келади. Яқинда Андижондаги маҳаллий уста-ҳунармандлар билан миллий маҳсулотлар ясаш бўйича келишиб олди. Ўтовлардан бирини музей-дўконга айлантирмоқчи.

### Кўп миллатли маҳалла

Эркиной опанинг миллати қирғиз, Хонободда туғилиб ўсган. Ўзбек оиласига келин бўлган. Онаси Дилором ая 5 фарзандни ёлғиз боши билан катта қилган. Тадбиркор қизи ҳам ҳозирги кунда турмуш ўртоғи билан 3 фарзандни тарбия қиляпти.

Қаҳрамонимиз туғилиб ўсган Хонобод шаҳридаги кўп миллатли Тейит маҳалласида аҳолининг асосий қисмини қирғизлар ташкил этарди. Аммо орада уларнинг бир қисми муайян сабабларга кўра кўчиб кетди. Эркиной опанинг оила аъзолари, қариндошлари ҳам ўша кезлари қўшни юртга кўчди. Йўллар ёпилиб қолиб, йиллар давомида борди-келди узилди. Шундай кезларда ўзбек оиласи уни ёлғизлатиб қўймади, маҳалла-кўй ҳам ҳозиргача ўзаро қавму қариндошдек. Асли юртимизда доим шундай бўлган, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари дўстона, бир оиладек ҳаёт кечириб келади. Анъана, урф-одатлари бир-бирига уйғун халқларнинг меҳмоннавозлиги ҳам ўхшаш.

Ниҳоят, қардош халқлар ўртасидаги йўллар очилиб, дўстона алоқалар тиклангач, қирғизларнинг аксарияти қадрдон Тейитга қайтиб кела бошлади. Эркиной опа ҳам онаси билан қайта дийдор кўришди. Ҳозир улар бирга яшамоқда. Шаҳарчага меҳмон бўлиб келаётган қирғизлар ҳам кўп. Улар ҳудудларда кўпайиб бораётган меҳмон уйларида қолиб, дам олиб кетишяпти.

Қаҳрамонимиз турли миллатлар аҳил, тотув ҳаёт кечираётган, тадбиркорлар, айниқса, хотин-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган шундай юртда яшаётганини ифтихор билан гапиради. Ишбилармонликни 20 йил олдин гўзаллик салони очишдан бошлаган аёл илк даврлардаги қийинчиликларини яхши эслайди. Бугунга қадар кўплаб шогирдлар чиқарди. Ҳозир мактаб битирувчиларига дарс ўтиб, иқтидорлиларни ўзи иш билан таъминлаяпти.

Охирги йиллардаги рағбат, имтиёзлардан фойдалана бошлаши ҳам қизиқ бўлган. Илк бор имтиёзли кредит олаётганида, қайтара олмаслигидан жуда қўрққан. Аммо бу ишини кенгайтиришига имконият экани боис, яна кредит олди ва уларни ўз вақтида тўлади ҳам.

Эркиной опанинг тадбиркорлик салоҳиятини вилоятда кўпчилик яхши билади. У ўзидаги қобилиятни бошқаларга ҳам ўргатиб, кўпроқ одамларни иш билан таъминлашга интилади. Бугунги кунда Тейит маҳалласида хотин-қизлар фаоли лавозимида ишлаб келмоқда. Бир қанча йўналишларда иш ўринлари яратди. Яқинда фойдаланилмай турган бинода хотин-қизлар учун турли йўналишларда цехлар ташкил қилмоқчи.

Ҳудудда миллий қадриятлар, анъаналарни давом эттириб, авлоддан-авлодга етказаётган оилалар кўп. Улардан бири шу маҳаллада яшаётган Нортожи Бакирова. У Эркиной опанинг кўмагида 5 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, қирғиз миллий шолчалари, болишлари, кўрпа-тўшаклар тикишни йўлга қўйди. Бу ҳунар унга онамерос. Ҳозир ўзи шу ҳунар ортидан яхшигина даромад топяпти, бир йилга қолмасдан кредитни ёпди. Маҳалладаги 4 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Бундан ташқари, келинлари, қўни-қўшниларга ҳам ҳунарини ўргатиб келяпти. Маҳсулотларининг харидорлари кўп.

### “Меҳмонларга энг яхшисини илинамиз”

Ҳозир тоғ ёнбағирларида айни дам олиш мавсуми бошланмоқда. Эркиной опанинг сайёҳлик масканлари аллақачон меҳмонларга ўз эшикларини очган. Яқинда у ерда кичик боғ ташкил этиб, резавор мевалар экилади. Бу Эркиной опанинг ғояси — меҳмонлар резавор меваларни томоша қилиб, улардан татиб кўришларини истайди. Бу сайёҳларда ўзгача таассурот қолдириб, уларни табиатга янада яқинлаштиради. Ахир сўнгги йилларда дунёда табиий ёки экотуризмга қизиқиш ортиб боряпти. Қолаверса, туристик хизматларнинг тобора ривожланиши натижасида сайёҳларга агротуризм, археологик, этнографик, зиёрат туризми, экстремал туризм ва бошқалар кенг таклиф этилмоқда. Ҳатто мутахассислар мазкур йўналишлар одатий туризмдан кўра, кўпроқ оммалашаётгани ва муайян бир мавзуга асосланган йўналишларда саёҳат қилиш истаги ортаётганини таъкидламоқда.

Маълумотларга кўра, сайёҳлик бозорида экотуризмдан келадиган даромад 10-18 фоизни ташкил этади. Сайёҳликнинг бу тури нафақат катта даромад манбаи экани, балки табиатни муҳофаза қилиш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш муаммоларини ҳал қилишдаги аҳамияти билан ҳам ажралиб туради. Яъни экологик туризм табиатни муҳофаза қилишдаги янгича ёндашувдир. У орқали одамларни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга чорлаш самаралироқ.

Қаҳрамонимиз сайёҳлар талабини доим ўрганиб, уларга маъқул келадиган таклифларни беришга интилади. Таомномадан тортиб, хизмат кўрсатиш турларигача бойитиб бориш ҳаракатида. Дам олиш масканида ҳақиқий қирғиз қимизини татиб кўриш имкони бор. Эркиной опа қимизни шахсан ўзи Қирғизистондан, синовдан ўтган фермерлар қўлидан олиб, лаборатор таҳлиллардан ўтказган ҳолда олиб келади. Чунки меҳмонларига энг сифатли, тоза маҳсулотларни илинади. Келгусида сайёҳлик масканида от спортини ҳам ташкил қилиб, қимиз тайёрлашни йўлга қўймоқчи. Ўтов-меҳмонхоналарни ишга тушириш режаси ҳам бор. Асосий мақсади эса кўпроқ хотин-қизлар бандлигини таъминлаб, ҳудуднинг туризм, иқтисодий имкониятлари ошишига ҳисса қўшиш. Аёл шу юртнинг бир бўлаги сифатида унинг тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда.

— Ўзбекистоннинг энг бахтли қирғиз қизиман, — дейди Эркиной Абжамилова. — Менинг ватаним шу ер. Мен шу ерда туғилиб, вояга етдим. Ҳар соҳада мени қўллаб-қувватлашади, ёрдам беришади. Бошқа миллат вакили эканимни сезмайман ҳам. Бу юрт, бу Ватан менга ҳамма нарсани берди. Доим нима қилсам, юртимга кўпроқ фойдам тегади, деб ўйлайман. Келажакда янги лойиҳалар орқали кўпроқ одамларни иш билан таъминлаб, юртим тараққиётига хизмат қилишга бел боғлаганман.

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



ТАРАДДУД



# Нафосат ВА САНЪАТ фестивали

**Наманганда шу йил 21 майдан 21 июнга қадар халқаро гуллар фестивали бўлиб ўтади. Гул байрамининг биринчи кўргазмаси 1961 йил август ойида ўтказилган. Ўтган 60 йилдан зиёд вақт мобайнида ушбу фестиваль анъана тусини олди. Мазкур тадбирга 2018 йилда халқаро мақом берилди. Унда нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатлардан ҳам гул етиштирувчилар, нафосат ишқибозлари иштирок этиб келмоқда. Улар сони йилдан-йилга ортиб бораётир.**

— Айни пайтда гуллар фестивалига тайёргарлик жараёни қизғин паллага кирди. Унда Наманган шаҳри ободонлаштириш бошқармасининг 700 дан зиёд ходими иштирок этмоқда, — дейди бошқарма раҳбари Ҳусниддин Қозоқбоев. — Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги истироҳат боғига бу йил 5 миллион туп гул кўчати экилмоқда. Шунингдек, боғнинг “Бешчинор” чойхонасидан шаҳар ҳокимлиги биноси олдигача рангли чироқлар билан безатилган арка мозаикалари ўрнатилди. Бундан ташқари, гулчиларимиз шаҳар марказидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг гулхоналарига ҳам ранг-баранг гул кўчатлари экиб, янада кўркам қиёфа касб этишига ҳисса қўшмоқда.

Байрам кунлари бир неча номинациялар, шунингдек, ландшафт санъат асарлари, лазер, дрон, иллюзия ва талант шоулари, халқаро этноспорт, назм ва наво ҳамда аския кечалари, ўтган асрнинг 80-90-йилларидаги ретро қўшиқлар ўрин олган дастурлар, гастрономик фестиваль, болажонлар учун цирк томошалари, кўнгилочар ўйинлар бўлиб ўтади. Шунингдек, икебана ва гулдаста усталари беллашади. Учта номинация ғолибларига “Ласетти” автомашиналари, кейинги ўрин ғолибларига эса пул ва қимматбаҳо совғалар топширилади.

Наманганнинг ҳар бир хонадони асли гулхона. Уларнинг орасида шундайлари борки, афсонавий Боғи Эрамни эслатади.

Аҳмаджон Султоновнинг гулчилик санъати билан шуғулланиши шунчаки қизиқиш эмас, балки авлоддан-авлодга ўтиб келаётган



дизайни бўйича танлов ўтказилади. Улар 100 дан ортиқ гул композицияси яратишади. Дизайннинг ўзига хослиги, гул нақшлари, гулдаста ва гул композициялари яратувчиларининг маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

Гуллар фестивали “Афсоналар водийси”да ҳам бўлиб ўтади. Байрам дастуридан кўнгилочар тадбирлардан ташқари ҳунармандлик, китоблар, фотосуратлар, расмлар, миллий либослар кўргазмаси ҳам ўрин олади.

— Фестиваль доирасида махсус ер участкалари ажратилиб, зарур инфратузилма яратилди, — дейди Наманган шаҳри ҳокими ўринбосари Акбаржон Домлажонов. — Байрам кунлари шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига халқаро модалар ҳафталиги, фольклор гуруҳлари чиқишлари, ҳунармандлар кўргазмаси, мерос касбдир. Мўъжазгина ҳовлида бир мавсумда 10 минг тупдан ортиқ гул етиштирилади. Кактуснинг 300 дан ортиқ тури кўпайтирилади.

Гулнинг янги навларини яратиш, узоқ ўлкалардан келтирилган ноёб гулларни иқлимга мослаштириш кабилар унга отаси — биология фани ўқитувчиси Абдуваҳоб гулчидан ўтган. Бу ишни бугун унинг ўғил-қизлари, набиралари қунт билан давом эттирмоқда. Франция, Нидерландия, Австралия каби давлатлардан янги гул навлари келтириб, иқлимимизга мослаштиришмоқда.

Бир ой давом этадиган халқаро гуллар фестивалида ҳар куни ўтказиладиган бир-биридан қизиқарли маданий ва кўнгилочар тадбирлар мезбон ва меҳмонларга унутилмас таассуротлар тақдим этади.

**Насимжон ЮНУСОВ,**
**журналист**




Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

### Сарвар Азимов таваллудининг 100 йиллигига

# “ҚОНЛИ САРОБ” ВА “ЗАМОН ДРАМАСИ”ДАН

## “Руҳим харитаси” ва “Таниш тераклар”гача

**Сарвар Азимов номини илк маротаба ўрта мактабда адабиёт дарсида эшитганмиз. Битиришимизга бир йилча вақт қолган, 1973 йилнинг иккинчи чораги, замонавий ўзбек адабиёти ҳақида завқу шавқ билан дарс ўтаётган адабиёт муаллимимиз Иброҳим Сафаров ўтган асрнинг 50–60-йилларидаги адабий жараён ҳақида гапирар экан, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари номлари бизга анча-мунча таниш адибларнинг машҳур асарларини номма-ном санаб ўтди. Сўнг озроқ нафас ростлади-да, “...Шунингдек, Сарвар Азимовнинг “Қонли сароб”, “Замон драмаси” асарларини ҳам мисол келтириш мумкин... Саволлар борми?” дея ҳаммамизга бир-бир кўз ташлаб, адабий даврга ҳам, дарсга ҳам якун ясагандай бўлди.**



**Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири**

Аслида, мактаб дастурида, адабиёт дарслигида ҳам адибнинг ҳаёти ва ижоди бўйича алоҳида дарс соатлари ажратилмаган эди. Бор-йўқ билганимиз муаллимимиздан эшитган ўша икки оғиз эътироф: “Сарвар Азимовнинг “Қонли сароб” ва “Замон драмаси” асарлари...” Шу холос.

Парталарда жуфт-жуфт бўлиб оқ-қора қалдирғочлардай тизилишиб ўтирган синфдошларим ўз хаёлларию катта танаффус завқи билан банд, барчамиз бир йилдан кейин бу азиз даргоҳни бутунлай тарк этиб, қадрдон ошёнлардан бир умрга учиб кетишимизни хаёлимизга ҳам келтирмай ўтирибмиз.

Айни лаҳзаларда ўқитувчимиз мавзу юзасидан йўл-йўлакай тилга олган Сарвар Азимов — номаълум ва нотаниш бу залварли номнинг менинг яқин келажакдаги тақдиримга нечоғлиқ дахлдор эканлигини — орадан ўн йиллар ўтиб, ижодий қисматимнинг рўёбга чиқишида қанчалар мададкор бўлишини мен ҳали билмасдим.

XX асрнинг 80-йиллари боши. Биз — бир гуруҳ ёш ижодкорлар шеър, китоб чиқарамиз деб, газета-журналлар, нашриётларга серқатнов бўлиб юрган кезларимиз Ёзувчилар уюшмасининг Пушкин кўчасида жойлашган биносига ҳам тез-тез бориб турамиз. Асарларини матбуотда эълон қилиш, айниқса, биринчи китобини чиқариш илинжида юрган ёш ижодкорларга қийин эди. Сабаби “Авторнинг илк китоби” туркумига мўлжалланган қўлёзмалар аввал уюшманинг шеърият кенгашида муҳокамадан ўтказилиб, ундан кейин нашрга тавсия этилар, бу муҳокамалардан соғ-омон чиқиш ҳаммага ҳам насиб этавермасди.

Дўрмонда ўтган ёш ижодкорлар семинарида фаол қатнашганимиз, катта мушоираларда жўшиб-ҳайқириб шеър ўқишларимизу устоз Эркин Воҳидов бош муҳаррир бўлган “Ёшлик” журнали, адабиёт газетаси ва бошқа адабий нашрларда катта-кичик туркумларимиз чиқиб тургани учунми, мен, Муҳаммад Юсуф, Мирзо Кенжабек, Назар Шукур сингари ёш ижодкорлар уюшма тавсияномасини олиш бахтига муяссар бўлиб, қўлёзмаларимизни Ғафур Ғулом номидаги нашриётга топширдик. Шеърият бўлими мудири, жуда пўрим кийинган, замонавий жинси шими билан бежирим чарм ёмғирпўши ўзига ғоят ярашиб турган Омон акамиз — Омон Матжон “Кенглар, қани, ҳўв-в шоввозлар!..” дея қучоқ очиб кутиб олганди. Айниқса, “Китобларингизни режага киритамиз”, деб илтифот кўрсатганда худди эртагаёқ китобларимиз нашрдан чиқадигандай биздан-да бахтлироқ, биздан-да саодатлироқ одам йўқ эди дунёда!

Ўша мамнун ва масрур кезларда устоз Абдулла Ориповнинг **“Бугун шеъри чиққан шоирдай дунё, жилмайиб қўяди барчага масрур”** деган сатрларини бир-биримизга баралла айтиб юришни хуш кўрардик.

Аммо қувончу шодликларимиз узоққа чўзилмади, бекорга хомтама бўлиб юрган эканмиз. Илк тўпламларимиз теварагидаги ҳақиқий машмашалар энди бошланди. Ҳар гал борганимизда Омон ака ўзига хос хоразмча назокат билан битта-битта, дона-дона қилиб тушунтиради: “Биз чиқарамиз, дедим-ку... Режага киритганмиз, аммо муни қаранг-да, бир оғиз раҳбариятданми... бир команда бўлсами... бир ишора дегандай, всё, гап-сўз бўлиши мумкин эмас — тамом-вассалом!..”

Биз мўлтайиб қараб турардик, Омон ака айтган сўзларини яна бир карра алоҳида таъкидлагандай, қўл ҳаракатлари билан ҳавода чизиб ҳам кўрсатарди.

Бу орада Навоий кўчасидаги 30-бинода жойлашган “Ёш гвардия” нашриётида техник муҳаррир бўлиб ишлайдиган Мирзобек дўстимизнинг “Адашган мактубларим” номли илк китоби биринчи бўлиб чоп этилди.

Нашриёт директори Жуманиёз ака Жабборовнинг раҳми келибми ёки кўнглига ўтиришдими, асли география факультетида таҳсил олган, лекин яхши шеърий машқлари билан устозлар назарига тушган Назар Шукур оғайнимизнинг “Вақт хиёбони” китобчаси ҳам амал-тақал қилиб бўлса-да, қисқа муддатда дунё юзини кўрди. Дўстимизнинг қувонганию хижолат бўлганини кўрсангиз эди. Қувонгани — китоби чоп этилганидан, хижиллиги эса — географакнинг боласи бўла туриб, китоби бизникидан олдин чиққанида. Назар яхши йигит эди, кўнглида кири йўқ, тоза ва беғубор, камгап ва камсуқум. Шеърлари ҳам ўзи ва сўзига ўхшаган қисқа-қисқа, камсўз ва беғараз. Афсус, умри ҳам шеърларига ўхшаш қисқа бўлди. “Вақт хиёбони”дан то ҳануз унинг сокин қадам товушлари келаётгандай туюлади. Худо раҳмат қилсин.

Ишни қарангки, ҳайҳотдай дунёда, шоирлари бижғиб ётган сўзфуруш ва сафсатабоз (*бизнинг хулосамизга кўра*) дунёда Муҳаммаджон билан икковгинамиз — зору ҳайрон, лолу ҳайрон бўлдик-да, қолдик. Икковимиз ҳам “Тошкент оқшоми”да ишлаймиз. Шароф ака Убайдуллаев бош муҳаррир, иккаламизни қаттиқ назорат остига олган, ҳар замон-ҳар замонда “Тартиб-интизомга риоя қилинглар”, дея дўқ уради. Биз қўрқамиз, қўрқамизу шеър ёзамиз, шеър ёзамизу Анҳор соҳилига ёки Навоий кўчасига чопамиз. Муҳаммаджоннинг ҳар куни берадиган муттасил саволи битта: “Китобларимиз чиқармикан?..”

Қишлоқда эса... қишлоқда отам мендан хафа, нуқул онамни тергагани-тергаган: “Бу ўғлинг ҳеч қандай шоир-поирлик қилмаяпти, китобим чиқади, деб ҳаммамизни алдаб юрибди, бўлмаса аллақачон чиққан бўларди-да. Қани китоб, соку-соку боради-келади, боради-келади, ҳеч гап йўқ-ку?!”

Қишлоққа боришга бетим йўқ, ғуруриm чидамайди, ўзимга-ўзим орим келади. Отам ҳар замонда хат ёзади: “Болам, мен қарияпман... Ўзингни ҳар хил эшикларда хор қилиб юрмагин...”

Бу мен учун жуда ҳам қаттиқ зарба, ор-номус масаласи эди. “Режага киритилган” китобимдан ҳам кўнглим қолиб кетди. Китоб чиқариш завқу шавқидан бутунлай совидим. Муҳаммаджоннинг мунгли, мўлтираган кўзларидан ҳар куни бир саволни уқайман: “...чиқармикан ишқилиб...”

Навбатдаги ташрифимиз чоғи Омон ака жўяли маслаҳат берди: “Гапириш керак. Союзда ҳамманинг олдида минбарга чиқиб гапириш керак!..”

Юрагим бўғзимга келиб тиқилгандай бўлди. Бор дунёю тириклик кўз олдимда ҳайҳотдай бир минбарга айланди-қолди.

Ёзувчилар уюшмасида раҳбарият ўзгарган, Сарвар Азимов уюшманинг раиси бўлсаям кам кўринар, қиёфаси бизга нотаниш эди. Катта бир йиғилишда орт қаторда ёнма-ён ўтирган ёзувчи акамиз у кишини шундоқ таништирган эди: “Ана, минбар томонга яқин ўтирибди-ку, юзи-қиёфаси Ҳамид Олимжонга жудаям ўхшаб кетадиган, ўша киши Сарвар Азимов бўлади. Ҳамид Олимжоннинг укаси-да...”

Кейинчалик — орадан ўттиз йиллар ўтиб, домла Собир Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” китобида ўқиймиз: “Таниқли драматург ва адабиётшунос Сарвар Азимов 1923 йилда Жиззах шаҳрида дунёга келди. Машҳур шоир Ҳамид Олимжоннинг укаси...”

Китобда давлат ва жамоат арбоби Сарвар Азимовнинг икки марта — 1956-1957 ва 1980-1985 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси лавозимида фаолият кўрсатгани ҳақидаги маълумотдан кейин у кишининг адиблик фаолиятига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Яна 1984 йилга қайтадиган бўлсам, Омон аканинг ўша кунги кутилмаган йўл-йўриғидан кейин анча пайт ғаш бўлиб, ғуссага ботиб юрдим. Сарвар Азимовга ёрдамчи бўлиб ишлайдиган камгап-камсухан шоир акамиз Шавкат Раҳмон билан маслаҳатлашсаммикан деб ҳам ўйладим-у, яна отамнинг гаплари эсимга тушиб, ўша заҳоти фикримдан қайтдим.

Ниҳоят... бир куни жиддий мажлислардан бирида, аламзада бир ҳолатда ўрнимдан турдим-да,



ўзимни минбарда кўрдим. Мажлислар зали тўла одам, минбарга ёндош узун стол ортида уюшма ҳайъати, ўртароқда яна бир салобатли минбардай бўлиб Сарвар Азимов ўтирибди. Ҳамма менга қарайди, мен одам тўла залнинг охирига қарайман. Рости гап, аввалига устозлар олдида тилим калимага келмай сал талмовсирагандай бўлдим, кейин бор кучимни йиғиб, кўнглимнинг туб-тубида мадда бойлаб ётган дардимни бирваракайига тўкиб солдим:

“Менинг “Руҳим харитаси” номли китобим икки йилдан буён Ғафур Ғулом нашриётида ётибди. Рости гап, бу китоб энди шахсан менга керак эмас. У чиқадими-чиқмайдими — шахсан менинг ўзимга қизиғи йўқ энди. Аммо... бу китобнинг чиқишини қишлоқда онам кутяпти. Икки йилдан буён онамнинг кўзлари йўлда, шу китобнинг чиқишини кутяпти. Шеърларим бўш бўлса, майли, қайтариб беришсин, бўлмаса, менинг ўзимга заррача кераги йўқ, аммо бу китоб чиқиши керак!..”

Шу аснода оёқларимдан жон кетгандай бўлди. Икки йиллик зил-замбил юкни ағдариб ташлагандай, ўзимни хасдай енгил сездим, вужуд-вужудимдан бир қалтироқ келаётгандай, кўз қирим билан кўриб улгурганим Сарвар Азимов олдидаги қоғозга ниманидир ёзиб қолдирганию, менинг кутилмаган ажабтовур баёнотимдан зал аҳлининг аввалига

> **“МЕНИНГ “РУҲИМ ХАРИТАСИ” НОМЛИ КИТОБИМ ИККИ ЙИЛДАН БУЁН ҒАФУР ҒУЛОМ НАШРИЁТИДА ЁТИБДИ. РОСТИ ГАП, БУ КИТОБ ЭНДИ ШАХСАН МЕНГА КЕРАК ЭМАС. У ЧИҚАДИМИ-ЧИҚМАЙДИМИ — ШАХСАН МЕНИНГ ЎЗИМГА ҚИЗИҒИ ЙЎҚ ЭНДИ. АММО... БУ КИТОБНИНГ ЧИҚИШИНИ ҚИШЛОҚДА ОНАМ КУТЯПТИ. ИККИ ЙИЛДАН БУЁН ОНАМНИНГ КЎЗЛАРИ ЙЎЛДА, ШУ КИТОБНИНГ ЧИҚИШИНИ КУТЯПТИ. ШЕЪРЛАРИМ БЎШ БЎЛСА, МАЙЛИ, ҚАЙТАРИБ БЕРИШСИН, БЎЛМАСА, МЕНИНГ ЎЗИМГА ЗАРРАЧА КЕРАГИ ЙЎҚ, АММО БУ КИТОБ ЧИҚИШИ КЕРАК!..”**

муздай сув қуйгандай жимигани, кейин бирдан жунбишга келиб, қарсаклар билан олқишлай бошлаганидан сўнг — узун ундов белгисидай бўлиб минбардан тушиб кетдим...

Шу аҳволда уйга боргунча иситмалай бошладим. Эртасига ишга чиқмай, чопонга ўраниб ётдим. Тушга яқин Шароф ака телефонда сўраётганини айтишди. Котибаси улаб берди. Шароф аканинг дағдаға аралаш овозида бир тола меҳрни илғаб таскин топгандай бўлдим: “Ҳой бола, союзда нима гаплар қилиб юрибсан?.. Ғафур Ғулом нашриётидан сени Муҳаммад Али излаяпти. Китобингни чиқаришармиш. Ўзиям ўн марталар сўради. Тез бориб учрашар экансан...”

...Китобимни кўриш отамга насиб этмади. Нашриёт ғаладонида икки йилдан кўпроқ чанг босиб ётган қўлёзмамни “Авторнинг илк китоби” рукнида яхлит тўплам шаклида қўлга олиб

> **ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА РАҲБАРИЯТ ЎЗГАРГАН, САРВАР АЗИМОВ УЮШМАНИНГ РАИСИ БЎЛСАЯМ КАМ КЎРИНАР, ҚИЁФАСИ БИЗГА НОТАНИШ ЭДИ. КАТТА БИР ЙИҒИЛИШДА ОРТ ҚАТОРДА ЁНМА-ЁН ЎТИРГАН ЁЗУВЧИ АКАМИЗ У КИШИНИ ШУНДОҚ ТАНИШТИРГАН ЭДИ: “АНА, МИНБАР ТОМОНГА ЯҚИН ЎТИРИБДИ-КУ, ЮЗИ-ҚИЁФАСИ ҲАМИД ОЛИМЖОНГА ЖУДАЯМ ЎХШАБ КЕТАДИГАН, ЎША КИШИ САРВАР АЗИМОВ БЎЛАДИ. ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ УКАСИ-ДА...”**

кўришим завқ бағишлар, айни пайтда алам қилар эди. Нима эмиш: “Китоб иқтисод қилинган қоғоз ҳисобига босилди”. Шундай деб ёзмаса, Москвадан рухсат олиш керак экан. Бўлмаса, Ўзбекистоннинг ўзи бу китобни босиб чиқаролмас экан. Йигирма етти ёшимда, салкам икки ярим йиллик дилгир илҳақликдан кейин, ниҳоят, атиги йигирма етти кун деганда босмадан чиққан, бор-йўғи йигирма еттита шеърдан иборат “пиёзнинг пўстлоғидай” (*А.Орипов ибораси*) юпқагина бу китобчанинг яқин келажакда бошига не савдолар тушишидан мен ҳали бехабарман. Тўпламдаги онамга бағишланган шеърнинг тагига “1978”, отамга бағишланган шеърга эса “1979” саналари қўйилган эди. Уч минг нусхада чоп этилган илк китобимга совет пулида бир ярим минг рублдан кўпроқ қалам ҳақи беришди. Ёзда қишлоққа бориб, Худонинг йўлига қўй сўйиб, отамнинг маъракасини ўтказдик. “Отанг кўрмади-да бу кунларни...”, дея онам йиғлаб дуо қилдилар...

Бу томони энди бошқа гурунг. Ўшанда Муҳаммаджон — Муҳаммад Юсуф дўстимизнинг “Таниш тераклар” номли китобчаси ҳам олдинма-кетин чоп этилди. Бўлди байрам, бўлди тантана! Муҳаммаджон жуда ҳам тез машҳур бўлиб кетди. Жуда қисқа муддатда элнинг катта шоирига айланди. Ҳар гал таниш теракларни кўрганимда қумридил дўстимнинг ўша мунгли нигоҳларию мунглуғгина жилмайиб туришлари кўз олдимга келаверади...

Хаёлимга яна бир гап келади: қизиқ, ўшанда мен минбарга чиқиб куюниб-ҳаяжонланиб гапирганим асносида, сиёсат ва “амалнинг шоири” (*Х.Султон ибораси*) бўлмиш уюшма раиси, таниқли адиб ва жамоат арбоби Сарвар Азимов ён томонида ўтирган нашриёт арбобларидан бўлмиш бесаранжом бақалоқ кишига бир олайиб қарар экан, қоғозга нималарни ёзди экан-а? Ўша ёзганининг тагига узун чизиқ тортганигача, чизиқ тортиш асносида қаламнинг “хирт” деган товуш чиқарганига қадар то ҳануз ёдимда турибди. Менинг назаримда, у киши тўртта сўз, тўртта китобнинг номини битгандай туюлаверади: “Қонли сароб” ва “Замон драмаси”дан “Руҳим харитаси” ва “Таниш тераклар”гача”.

Айни сонияларда онам кўп такрорлайдиган “Игначининг минг уриши — темирчининг бир уриши” деган халқ мақоли кўнглимда айланаркан, яна ўйланиб қоламан: мабодо, ўшанда Сарвар Азимовнинг бир қаҳрли нигоҳи ва ёки бир хайрихоҳ ҳаракати бўлмаганда бизнинг ҳолимиз не кечарди?.. Билмайман, рости гап, билмайман.

* * *

Бугунги кунда, дастурхондай очиқ-сочиқ бугунги замонда адабиёт давлатимиз раҳбарининг диққат-эътиборида турибди.

Бугун энди ўзимиз китоб чиқарамиз. Ёш ижодкорлар учун мутлақо ўзгача — биз етти эмас, етмиш ухлаб тушимизда ҳам кўролмайдиган шароитлар яратилган, Зомин семинар-кенгашлари ҳар йили муттасил ўтказиб келиняпти.

Танловларда янги-янги номлар кашф этилаётир, ҳар йили ўн беш-йигирма нафардан кўпроқ истеъдодларнинг биринчи китоби катта нусхаларда — ўн минг, йигирма минг ададда чоп этилмоқда. Тақдимот маҳали бир пайтнинг ўзида муаллифлик нусхалари билан бирга, уларга белгиланган миқдорда нақд пул ҳисобида қалам ҳақи тўланади. Кўркам “Адиблар хиёбони”, Зомин, Паркент, Дўрмон ижод уйлари ёш ижодкорлар хизматида, устозларимиз номидаги ижод мактабларида ёш истеъдодлар муттасил адабий таълим билан машғул. Фақат... ёниш керак, фақатгина ёзиш керак!

Ҳавасингиз келмай иложингиз йўқ. Беихтиёр шоир жўраларимиз билан кечган, нашриётлар остонасида сарғайиб, хору зор бўлиб юрган ўсмирлик кезларимиз эсга келади. Ва бугун шоир укаларимнинг кўркам муқовали, чиройли қоғозда нашр этилаётган биринчи китобини кўриб, астойдил қувонганларимни, ҳаваслар қилганимни шеърий бағишловларда баралла айтгим келади:

*Гарчи бўлмас оламда қари, ёш Адабиёт,*
*Ё бебош Адабиёт ёки Бош Адабиёт.*
*Кўкламдай гулталошу дилталош Адабиёт,*
*Илк китобингиз кўриб, айтса бўлгай бемалол:*
*Адабиёт кексаймас, мангу ёш Адабиёт.*

*Илк китоб — умрингизда бу илк катта қадамдир,*
*Инсон умри агарчи бир чақин ё бир шамдир,*
*Асрларга етар Сўз — бир нафасдир ё дамдир,*
*Адабиёт — оламдир, Адабиёт — одамдир,*
*Бор олам аҳли билан қон-қардош Адабиёт.*

*“Наводир уш-шабоб” бу, яъни ёшлик айёми,*
*Навоий боболарнинг Сиз хушхабар, пайғоми.*
*Сиз янги даврларнинг минг йилларга саломи,*
*Ҳазрати Бобурларнинг йигитлигин давоми,*
*Сиз ўшал кескир қилич — кўзу қош Адабиёт.*

*Ўсмирлик кунларимнинг тонгларини эсласам,*
*Илк китоб деб қон ютиб, дилда алам, кўзда нам,*
*Қишлоқда кутар эди ул китобимни онам,*
*Нописанд ноширларга мўлтираб мисли шабнам,*
*Ўйлаганмиз: бунча ҳам бағритош Адабиёт.*

*“Адабиёт ўлмайди!” Рост айтмишлар устозлар,*
*Чўлпон муаллим бунда Сизга тилар парвозлар,*
*Миллат яшар то яшар миллатпарвар овозлар,*
*Дил торин юрт қаддига тор этиб чалинг созлар,*
*Токи эл айтсин: элдош ҳам дилдош Адабиёт.*

*Бир сўз гоҳ узун тунлар қўймай қасди жон айлар,*
*Бир шеър узра кечгай гоҳ йиллардан узун ойлар.*
*Бир сўз Сизни ҳам еру ҳам баланд осмон айлар,*
*Бир шеър Сизни бир тонгда соҳиби жаҳон айлар,*
*Офтоб мисол нурпошу меҳрпош Адабиёт.*

*Дунё ҳали бут эмас — риёлик, ёлғонликдир,*
*Бир қўлида қуролу бир қўли Қуръонликдир,*
*Токи башар фарзанди кўзи ёш, армонликдир —*
*Адабиёт — фидолик. Шеърият — қурбонликдир,*
*Жонингизни айлар гоҳ айирбош Адабиёт.*

*Янги қадду қоматда келгандайин йилларим,*
*Менинг тўрғай дилларим,*
*булбулзабон тилларим,*
*Шеър ўқиса, мавжланиб, жимирлар кўнгилларим,*
*Зебуннисолардан кам эмас бу сингилларим,*
*Ўн саккизга кирган гул, қаламқош — Адабиёт.*

*Термизда байт айтсангиз — янграгай Фарғонада,*
*Акс садо бергай сўнг ҳар мактаб, синфхонада.*
*Шаҳру қишлоқлар бўлиб ҳар куй, ҳар таронада,*
*Улғаяр Адабиёт ҳар уй, ҳар кошонада,*
*Урганч, Самарқанд, Нукус, Тошкент,*
*Шош — Адабиёт.*

*Шу зангор китобингиз Сизга жону тан бўлгай,*
*Саҳфа-саҳфа, бетма-бет шараф бўлгай,*
*шан бўлгай,*
*Зангори уфқларга узанган чаман бўлгай[1],*
*Яшнаган Ватан бўлгай, ястанган Ватан бўлгай —*
*Ўзбекистон мисоли серқуёш Адабиёт.*

*30.04. — 02.05.2023 й.*

[1] Устоз А.Орипов сатри

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-546.
11117 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 23:50 Топширилди — 01:30